

709 2
 ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА АВВАЛ БЕРИЛГАН ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИ, ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА 30 АПРЕЛЬ-1 МАЙ КУНЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ.



НУҚУҚ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2019-й. 2-МАЙ, №18 (1163)

**ТАДБИРКОР
 ПРОКУРАТУРА
 ХОДИМИГА 3000
 АҚШ ДОЛЛАРИ
 МИҚДОРИДА ПОРА
 ТАКЛИФ ҚИЛДИ.**

**ҚОНУНЧИЛИК
 ТАЛАБИ
 ТУШУНТИРИЛГАЧ,
 7,3 МЛРД. СЎМДАН
 ЗИЁД МАБЛАҒ
 ИХТИЁРИЙ
 РАВИШДА ТЎЛАНДИ.**

**ТЎРТ ШОВВОЗ
 ЎФИРЛАНГАН
 МУХРДАН
 ФОЙДАЛАНИБ,
 35 МЛН. СЎМДАН
 ОШИҚ КРЕДИТ
 ОЛИШДИ.**

**ГАЗ УЧАСТКАСИ
 ХОДИМЛАРИ
 ТОМОНИДАН
 ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА
 ҚАРИЙБ 200 МЛН.
 СЎМЛИК АСОССИЗ
 ҚАРЗ ЮКЛАТИЛГАН.**

БОШ ПРОКУРОРЛАР УЧРАШУВИ

Жорий йилнинг 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Отабек Муродов Корея Республикаси Бош прокурори Мун Му-ил бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда икки давлат бош прокураторлари ўртасидаги ҳамкорлик профессионал алоқаларни йўлга қўйиш ва шартномавий-ҳуқуқий базани кенгайтириш орқали изчиллик билан ривожланётгани таъкидланди.

Шунингдек, ўзаро манфаатли бўлган кенг қамровли масалалар муҳокама қилинди ва идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари бўйича фикр алмашилди.

Корея делегациясининг ташрифи шакланган самарали алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам экани қайд этилди.

Учрашув якунида жаноб Мун Ўзбекистон Бош прокурори О.Муродовга са-

ммий қабул учун миннатдорлик билдириб, ўзаро манфаатли идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрлигини билдирди.

Ўз мухбиримиз

ЭЛ РИЗҚИГА ХИЁНАТ



**«ОБОД ҚИШЛОҚ»
 ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН
 ХУДУДДА БЕЛГИЛАНГАН
 ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ЖАРАЁНИ
 ТАЛОН-ТОРОЖЛИКЛАРДАН
 ХОЛИ БЎЛМАДИ...**

5-бетда



**ЎЗИ БИР ХИЛ
 НАРХИ ҲАР ХИЛ**

МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ, «ҚОҒОЗИНГИЗ ҚАНИ?», ДЕГАН ЖАВОБНИ ЭШИТДИК.

4-бетда

СОХТА ПРОКУРАТУРА ХОДИМИ УШЛАНДИ

Фуқаро Акмал Заиржонов 2019 йил 25 апрель куни соат 15:00ларда Гулистон шаҳридаги 9-сонли мактабгача таълим муассасасига бориб, ўзини "Сирдарё вилоят прокуратураси ходимиман", деб таништириб, раҳбарият топшириғига асосан муассасани текширишга келганини айтган. Муассаса мудираси Г.Узоқова билан боғчанинг тарбияланувчилари бўлган хоналарига кириб айланиб, муассаса ходимлари билан йиғилиш ўтказган.

Муассаса раҳбари Г.Узоқовада ушбу шахс прокуратура ходими эканига шубҳа уйғонган.

ни сабабли вилоят прокуратурасига хабар берган ва олинган тезкор маълумотлар асосида вилоят прокуратураси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан Гулистон шаҳар



ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда А.Заиржонов ушланган.

Суриштирув жараёнида А.Заиржоновнинг худди шу куни Гулистон шаҳар "Намуна" маҳалласида жойлашган 1-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси Д.Бабаевага ўзини "Сирдарё вилоят прокуратураси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи", деб таништириб, мудирага келгусида хусусий боғча очиш учун ҳужжатларни расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, уни алдаб, 400 минг сўм пул маблағини олгани аниқланди.

Вилоят прокуратураси томонидан А.Заиржоновга Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мазкур жиноят 26 апрель куни фуқаро А.Заиржонов ва у яшайдиган Гулистон тумани Навоий маҳалласи ва жиноят содир этилган Гулистон шаҳри Намуна маҳалласида маҳалла фаоллари, мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирокида муҳокама қилиниб, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Сирдарё вилоят прокуратураси
 Жамоатчилик билан алоқалар ва
 ҳуқуқий ахборот тармоғи

МУРОЖААТЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Равшан НАМАЗОВ,

МИБ Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиги

асосан Ибрагимов Ҳамродан 24 миллион сўм қарз ундирилиши таъминлангани учун ўз миннатдорчилигини билдирди.

Денов, Узун, Сариев, Олтинсой ва Шўрчи туманлари аҳолиси учун ўтказилган сайёр қабулда жисмоний ва юридик шахсларнинг жами 61 та мурожаати кўрилди. 48 та мурожаат алоҳида назоратга олинди ва қолган мурожаатлар ижроси шу жойнинг ўзидagina таъминланди.

Сайёр қабуллар якунида айрим мурожаатларни ўз вақтида ўрганиб чиқиш бўйича масъулларга зарур топшириқлар берилди.

ТАОВИА

Қабул давомида 24 млн. сўм қарз ундирилди.

Ҳарбий прокуратура органилари ҳам миллатимизнинг ушбу ақдасига солиқ бўлиб, устоз-шогирд аъёнани давом эттирилмоқда. Жумладан, яқинлашиб келаётган 9 май - Ҳотира ва қадрлаш куни" муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратура органилари ҳамда прокуратура органилари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамкорлигида шахмат ва шашка бўйича мусобақа ташкил этилди.

Унда Бош прокуратура ва Ҳарбий прокуратура органилари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб нафақага чиққан фахрийлардан 21 нафари, шунингдек, Ҳарбий хизмат ўтаётган офицерлардан 15 нафари иштирок этиди.

Табирни Бош прокурор ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратура органилари фахрийлари Имомжон Абдуҳакимов кириш сўзи билан очиб, барчани яқинлашиб келаётган байрам билан қўллаб-қувватлаш ҳақида сўз қилди.

Унда Бош прокуратура ва Ҳарбий прокуратура органилари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб нафақага чиққан фахрийлардан 21 нафари, шунингдек, Ҳарбий хизмат ўтаётган офицерлардан 15 нафари иштирок этиди.

Табирни Бош прокурор ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратура органилари фахрийлари Имомжон Абдуҳакимов кириш сўзи билан очиб, барчани яқинлашиб келаётган байрам билан қўллаб-қувватлаш ҳақида сўз қилди.

Табирни Бош прокурор ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратура органилари фахрийлари Имомжон Абдуҳакимов кириш сўзи билан очиб, барчани яқинлашиб келаётган байрам билан қўллаб-қувватлаш ҳақида сўз қилди.

АСРИЙ АНЪАНАЛАР БАРДАВОМ

Тимур ХАМЗАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратура органи бошлиги

Мамлакатимизда ёши улуг инсонларни, кексаларни қадрлаш, уларни эъзозлаш доимий эътиборда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан нурунийларимизга эътибор ва ғамқўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтирилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабргаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самардорлигини ошириш ва пенсияерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони алоҳида эътибор касб этди. Унга асосан 2019 йил 1 январдан бarchа ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланадиган бўлди. Эндиликда пенсионерлар ҳеч ақиланмасдан меҳнат фаолиятини давом эттириб, Ватанимиз раваннига ҳисса қўшиши учун замин яратилди.

Ўзбек халқи қадимдан ёши улуг инсонларни қадрлаш, уларга ҳурмат ва иззат кўрсатиши билан ажралиб туради. Бу аънава

ҳалқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларга илтифот кўрсатиш халқимизга хос фазилатдир. Ҳарбий прокуратура органилари ҳам миллатимизнинг ушбу ақдасига солиқ бўлиб, устоз-шогирд аъёнани давом эттирилмоқда. Жумладан, яқинлашиб келаётган 9 май - Ҳотира ва қадрлаш куни" муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратура органилари ҳамда прокуратура органилари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамкорлигида шахмат ва шашка бўйича мусобақа ташкил этилди.

Унда Бош прокуратура ва Ҳарбий прокуратура органилари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб нафақага чиққан фахрийлардан 21 нафари, шунингдек, Ҳарбий хизмат ўтаётган офицерлардан 15 нафари иштирок этиди.

Табирни Бош прокурор ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратура органилари фахрийлари Имомжон Абдуҳакимов кириш сўзи билан очиб, барчани яқинлашиб келаётган байрам билан қўллаб-қувватлаш ҳақида сўз қилди.

FAOLIYAT

НОҚОНУНИЙ БАЁННОМАЛАР

Ҳаёт икир-чикирларга тўла. Улар йўлдами, чўлдами, ишдами, ҳордиқдами — ҳар қадамда учрайверади. Куйида тафсилотлари келтирилган, йўл ҳаракати назоратчиларининг ноқонуний фаолиятлари билан боғлиқ уч воқеа кимларгадир аҳамиятсиз, майда ҳодиса, бошқаларга шунчаки икир-чикир бўлиб туюлиши мумкин. Аммо моҳиятида инсон ҳуқуқлари ётган ҳодиса ҳеч қачон "икир-чикир" ҳисобланмайди. Зеро, юртимизда инсон ҳуқуқлари олий қадриятдир.

Маҳалладошларга иззат кўрсатаман деб...

Туман прокуратураси томонидан фуқаро Лаиз Мўминовага нисбатан кўзғатилган маъмурий иш ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, туман маъмурий судининг 2019 йил 20 март кундаги ақримиға кўра МЖТКнинг тегишли моддаси билан Л.Мўминовага нисбатан бўлган маъмурий иш тўпланган ҳужжатларнинг қонунийлигиға баҳо бериш учун қайтарилган. Аниқланишича, жорий йилнинг 5 март кунини Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги вилоят бошқармасининг 1-тоифали инспектори М.Мухаммадиев томонидан фуқаро Л.Мўминова лицензиясиз одам ташиб фаолияти билан шуғуллангани бўйича баённома расмийлаштирилган ва туман маъмурий судига юборилган.

Маъмурий жавобгарликка тортилган шахсининг Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 294-моддасида белгилагани бўйича баённома расмийлаштирилган ва туман маъмурий судига юборилган. Аниқланишича, жорий йилнинг 5 март кунини Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги вилоят бошқармасининг 1-тоифали инспектори М.Мухаммадиев томонидан фуқаро Л.Мўминова лицензиясиз одам ташиб фаолияти билан шуғуллангани бўйича баённома расмийлаштирилган ва туман маъмурий судига юборилган.

эътиборга олмасдан "Ҳеч нарса бўлмайди" деб алдаб, баённомага эътибор йўқлиги ҳақида мажбуран ёздириб олганини баён этган. Икки нафар йўловчидан тушунтириш хатлари олинмаган, уларнинг кира ҳақи учун Л.Мўминовага неча пул бергани ёки келишув бўлгани аниқланмаган. Бир нафар йўловчи билан инспектор М.Мухаммадиев ўртасида бўлиб ўтган (видеотасвирга олинган) сўхбат давомида уларнинг ҳайдовчиға кира ҳақи учун пул бергани ёки келишгани мутлақо ёритилмаган, савол-жавоблар умумий сўзлардан иборат бўлиб қолган.

Автомашина салонида бўлган (иш бўйича йўловчи деб топилган) фуқаролар ўз тушунтириш хатларида Л.Мўминова маҳалладоши эканини, тақсими эмаслигини, шу кунини туман марказига чак ташлаб ўтишини илтимос қилишганини, унга кира ҳақи учун пул беришганини ва келишув бўлмаганини, текширувчи инспектор ўзини таништирмаганини, ҳайдовчиға кира ҳақи учун пул беришгани ёки келишув бўлгани ҳақида сўрамаганини баён этишган.

Бундай ҳолатда М.Мухаммадиев расмийлаштирилган баённомани асосли ва қонуний деб бўлмади. Шу боисдан мазкур баённомани бекор қилиш ҳақида протест келтирилди ва у бекор қилинди.

Шодиён ЖУМАКУЛОВ,

Косон туман прокурорининг ўринбосари

Холисларнинг хабари йўқ экан...

Туман прокуратураси томонидан фуқаро Акбар Сулаймоновнинг аризаси ўрганиб чиқилганда у йўл ҳаракати қондаларининг тегишли бандларини бузгани учун унга нисбатан ИПХ инспектори, сафдор И.Қораев томонидан жорий йил 2 мартда расмийлаштирилган баённома чора кўриш учун туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимиға юборилгани аниқланди.

Урганиш натижаларига кўра, мазкур баённома қонунга зид деб топилди. Чунки... Энг аввало, маъмурий жавобгарликка тортилган шахсининг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилмаган. Баённомаға ва ҳуқуқбузарнинг маъмурий баённома билан танишишдан ҳамда тушунтириш беришдан бош торгани тўғрисидаги далолатнома холислар имзо қўйишмаган, улар ИПХ ходими ва ҳайдовчи ўртасида бўлиб ўтган тортишувдан хабарлари йўқлигини баён этишган.

ИПХ инспектори, сафдор И.Қораев ўз тушунтириш хатида ушбу баённома ва далолатномани ҳайдовчи иштироки-

да, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ҳамда шу вақтнинг ўзида ёзмаганини, жарима майдончасида расмийлаштирилгани билдирган, бу аса қонун талабларига зид ҳисобланади.

Бундай ҳолатда расмийлаштирилган баённома асосли ва қонуний бўлмагани учун туман прокурорининг протестига асосан бекор қилинди.

Видеоёзув ускунаси ҳаммасини ошкор қилди...

Гувалак қишлоғида яшовчи фуқаро Файрат Ҳайитов ҳам йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб туман прокуратурасига мурожаат қилди.

Ф.Ҳайитов йўл ҳаракати қондаларининг тегишли бандини бузгани учун унга нисбатан катта инспектор Ж.Тилолов томонидан жорий йил 24 февралда расмийлаштирилган баённома чора кўриш учун туман ИИБ ЙХБга юборилган.

Аниқланишича, маъмурий жавобгарликка тортилган шахсининг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилмаган. Урганиш давомида, фуқаро Ф.Ҳайитовнинг "Nexia" русумли автомашинасига ўрнатилган видеоёзув ускунасига баёни олинган тасвир қўрилганда, баённомада кўрсатиб ўтилган йўл ҳаракати қондаларининг бузиллишиға йўл қўйилгани маълум бўлди. Жумладан, ҳайдовчи тўхтаб туриш қондаларини бузмагани, балки ташқи ҳаракат таъсирида тўхташға мажбур бўлгани қайд этилди.

Бундай ҳолатда расмийлаштирилган баённома асоссиз бўлгани сабабли у туман прокурорининг протестига асосан бекор қилинди.

Юқорида қайд этилган ҳар учала ҳолат бўйича ҳам фуқароларнинг мурожаатлари қаноатлантирилиб, улар маъмурий жазмо жазосидан озод қилинди. Ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида қонун бузилишиға йўл қўйган ходимларға нисбатан интизомий жазо чоралари қўрилди.

ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИ

арзон уй-жойлар қурилиши ва уларнинг нархи депутатлар танқидига сабаб бўлди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарининг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурининг 2019 йил биринчи чорагида бажарилиши бўйича ҳисоботни муҳокама қилишга бағишланган мажлислари ўтказилди.

Хабарингиз бор, Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида баён қилинган ҳар бир устувор йўналиш бўйича Бош вазир ва Ҳукумат аъзолари амалга оширилган ишлар ҳақида Олий Мажлис палаталари олдида ҳар чорақда ҳисобот бериб бориши тақдир қилинган эди.

Шу мақсадда депутатлар ташаббуси билан Вази́рлар Маҳкамасининг Олий Мажлис олдидаги масъулиятини янада оширишни кўзда тутувчи "Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати бўйича" Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Эндиликда Бош вазир Ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чорақда парламент палаталарига Мурожаатномадан келиб чиқадиган тегишли йилга мўлжалланган Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этиши белгилаб қўйилди. Ушбу янгилик ўз навбатида Ҳукуматнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини ошириши баробарида, парламент аъзоларининг ислохотларни амалга ошириш жараёнида фаол қатнашишига хизмат қилади. Мазкур амалиётнинг мамлакатимизда жорий этилиши илғор ривожланган давлатлар тажрибаси ифодасидир.

Кайд этиш лозимки, мазкур ҳисоботга Ҳукумат томонидан пухта тайёргарлик қўрилган бўлиб, Қонунчилик палатасига тақдим этилгунига қадар Вази́рлар Маҳкамаси раёсатида муҳокама қилинган.

Депутатлар Ҳукумат томонидан Давлат дастурининг ижроси бўйича ҳисобот даврида сезиларли ишлар амалга оширилганини қайд этиш билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан тақлифлар билдирди.

Давлат дастурининг 63 та банди жорий йилнинг биринчи чорагида бажарилиши белги-ланган бўлиб, шундан 46 та банд тўлиқ ижро этилган. Шунингдек, 27 банд бўйича ҳужжатлар лойиҳалари масъул вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилиб, қабул қилинган 24 банд бўйича вазифалар айрим сабабларга кўра ўз вақтида бажарилмаган.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси томонидан ўтказилган мажлисда қайд этилганидек, ҳисобот даврида мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик, хорижий инвестицияларни жалб

қилиш, жозибадор инвестиция мўҳитини яратишга эришилган.

Янги форматда, қизгин ва конструктив руҳда ўтган мазкур тадбирда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишида йўл қўйилган баъзи камчиликлар ҳам таҳлил қилинди. Парламент аъзолари томонидан тадбирда билдирилган тақлифлар асосида Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш, соҳада олиб борилаётган ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назорат ўрнатишга келишиб олинди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси аъзолари ҳам Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини танқидий таҳлил асосида қўриб чиқди. Муҳокамаларда депутатлар амалга оширилган ишлар билан бир қаторда баъзи камчиликлар аниқланганини қайд этди. Жумладан, Давлат дастурининг 22-бандида ҳудудларни ободонлаштириш тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи Президент қарорини қабул қилиш белгиланган бўлиб, амалда ижроси таъминланмаган. Шунингдек, Давлат дастурининг 120-бандида белгиланган эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида соҳага тааллуқли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси ижроси ҳам таъминланмаган. Бундан ташқари, автомобиль ва ички йўллар қурилишининг республика миқёсидаги қамрови, таъмирланаётган йўлларнинг сифати, арзон уй-жойлар қурилиши, уларнинг нархи ва сифатига етарлича эътибор берилмагани депутатлар томонидан танқид қилинди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан ўтказилган муҳокамаларда Давлат дастурида белгиланган аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳўмос масалаларига доир вазифалар ижроси таҳлил этилди. Таъкидланганидек, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида 2019 йилда оғир турмуш шaroитида яшаётган аёллар, айниқса, ёш хотин-қизлар бандлигини таъминлаш манзилли дастури тасдиқланди. Унда 13 мингдан зиёд аёлни ишга жойлаштириш белгиланган. Шунингдек, жорий йилда 1,6 минг нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш ре-

жалаштирилган. Ҳозир Хотин-қизларни ва oilани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан бошланғич бадал тўловларини амалга ошириш учун тижорат банкларида талабдорларга ҳисоб рақамлари очилмоқда.

Мажлисда депутатлар тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базаси ва инфратузилмаси етарли даражада ривожланмагани уларга ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қабул қилишни кенгайтириш, илғор тиббий-ижтимоий реабилитация услубларини жорий қилишга имкон бермаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини мувофиқ, тиббий муассасалари таркибидан умидсиз оғир беморлар учун Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ҳудудларно хоспис бўлиmlарини ташкил қилиш ишлари охирига етказилмагани қайд этилди.

Инновацион ривожланиш, ахборот сисёмати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси аъзолари томонидан Давлат дастурида белгиланган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясини ислох қилиш (31-банд), унинг таркибидан "Ўзбекистон тарихи" каналини ташкил этиш (190-банд) бўйича белгиланган муддатлар ўз вақтидан ўтиб кетган бўлишига қарамай, масъуллар томонидан тегишли чора-тадбирлар қўрилмагани танқид қилинди. Шунингдек, Давлат дастурининг 8-бандида ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган "Электрон парламент" тизими лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий харажатлар манбаларига ойдинлик киритилмагани сабабли ханузгача ушбу вазифани яқунлаштириш имкони бўлмагани қайд этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг барча кўмиталарида ўтказилган бундай муҳокамалар депутатлар томонидан берилган саволлар асосида қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Кўмиталар томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, ҳукумат ҳисоботини янги мажлисда қўриб чиқиш тақлифлари билдирилди.

Ўз мухбиримиз

Жорий йил 12 март куни Президентимизнинг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда 2019 йилнинг 1 апрелидан бошлаб суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиаия институту жорий этилиши белгиланди.

FAOLIYAT

МЕДИАТОР:

ижро иши юритишда яқин кўмакчи

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
МИБ Самарқанд вилоят бошқармаси катта инспектори

Медиаия амалга оширилаётган пайтда ижро иши 15 кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилади. Бунда томонлар ўртасида ижро предметиға доир келишув расмийлаштирилган ҳолларда ижро иши юритилиши тугатилиши белгиланди.

Самарқандда биринчи марта медиаия усули ижро иши юритиш тизимида қўлланилди. Бу эса ўзининг ижобий самарасини берди.

Бюронинг Самарқанд шаҳар бўлимига фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2018 йил 16 апрелдаги қарорига асосан Самарқанд шаҳри, Нодирабегим кўчаси 4-уй бузилаётгани сабабли мазкур хонадонда яшовчи қарздорларнинг яшаб турган уй-жойларига тенг қимматли бошқа турар жойни мулк қилиб топшириш вазифаси қўйилган.

Жумладан, фуқаро Мусо Гулямовни Самарқанд шаҳар, Нодирабегим кўчаси 4-уй, 5-сонли нотураж жой (дўкон)дан чиқариб, "Темп Строй Торг" масъулияти чекланган жамияти томонидан бу жойга қурилаётган кўпқаватли уйнинг 1-қаватидан нотураж жойдан дўкон бериш, фуқаролар С.Эшонқулов, М.Гулямов ва С.Гадаеваларни оила аъзолари билан мажбурий тартибда кўчириб, ижара шартномаси асосида вақтинча ажратилган

ча Самарқанд вилоят судининг алоқа хатига асосан, Олий судда назорат тартибида қўрилгунга қадар вақтинчалик ишнинг ижроси тўхтатилган.

Жорий йил 28 март куни суднинг ижро ҳужжатини тўхтатиш ҳақидаги қарори Олий суд раҳбариятининг хати билан бекор қилинган ва бу ҳақда томонларга маълум қилинган.

Жорий йилнинг 29 март куни мажбурий ижро ҳаракатларига яна киришилди. МИБ Самарқанд шаҳар бўлими давлат ижрочилари Нодирабегим кўчасидаги 4-уйга бориб, қарздорларга мажбурий кўчириш талаблари ҳақида тушунтириш берган, лекин қарздорлар томонидан қаршиллик қўрсатилгани сабабли ижро ҳаракатларини амалга ошириш имкони бўлмаган.

Қарздорлар М.Гулямов, С.Эшонқулов ва С.Гадаевалар ундирувчи "Темп Строй Торг" масъулияти чекланган жамияти томонидан бузилаётган уй-жойлари ўрнига қурилаётган янги уй-жойдан уй бериш ёки олдинги уйдан каттароқ кенгликдаги уй бериш тақлифини рад этиб, ўрнига янада кўпроғини талаб қилишган.

Олиб борилган мажбурий

Фаол қаршилик сабаб ижро ҳаракатлари бошқа кунга қолдирилган ва қарздорларга нисбатан маъмурий жарима қўлланилган.

уй-жойга киритиш, бузилишга тушган турар жойи эвазига тоvon тарихисида майдонига муносаб равишда аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жойни мулк қилиб топшириш мажбурияти бажарилгандан кейин турар жойни ундирувчи ҳисобидан бузиш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари мавжуд эди.

Ушбу ижро ҳужжатлари бўлим иш юритишга 2018 йил 1 июнда келиб тушган ва шу кунга ижро иши юритилиши кўзга туши тўғрисидаги қарор қабул қилиниб, қарор нухаси томонларга юборилган.

Олий суднинг 2018 йил 25 сентябрдаги ажрими билан иш назорат тартибида қўрилгунига қадар суд қарорларининг ижроси вақтинча тўхтатилган. Кейинчалик Олий суднинг ушбу ажрими 2018 йил 11 декабрда бекор қилинган. Шунга асосан, ижро ҳаракатлари яна давом этирилган. Бироқ, қарздорлар фаол қаршилик қўрсатганлиги сабабли ижро ҳаракатлари бошқа кунга қолдирилган ва қарздорларга нисбатан давлат ижросининг 2019 йил 5 февралдаги қарори билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдоридан маъмурий жарима қўлланилган. Шундан сўнг, 2019 йил 25 февралда фуқаролик ишлари бўйи-

ижро ҳаракатлари давомида давлат ижросининг 2019 йил 8 апрелдаги талабномасига асосан ижро ҳаракатларини амалга ошириш вақти 9 апрелга тайинланган. Бу кунга икки томоннинг келишуви билан ҳуқуқшунос А.Имомов ижро ҳаракатлари жараёнида медиатор сифатида иштирок этиб, томонларнинг ўзаро келишувига эришди. Бир йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳеч қандай келишиб бўлмаган, суд жараёнида, турли тортишувлар, баҳсларда ечим топилмаган бу ижро ишида ниҳоят медиаторнинг ёрдами билан бир ечимга келинди. Бундан ҳар иккала томон ҳам мамнун бўлди.

Шу муносабат билан "Темп Строй Торг" масъулияти чекланган жамият раҳбарининг 2019 йил 9 апрелдаги ижро ҳужжатини ижро қилмасдан қайтаришни сўраб берган хатига асосан қарздорлар М.Гулямов, С.Гадаева ва С.Эшонқуловларга оид ижро ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 40-моддаси 1-қисмига асосан тамомланди.

Уйлаймики, медиаторлар бундан кейин ҳам ижро иши юриш тизимиға яқин кўмакчи бўлиб қолаверади.



Айни пайтда дорихоналардаги дори воситалари нархларининг юқорилигидан норози бўлган ёки уларнинг турлича эканлигига эътироз билдирган истеъмолчиларни истаганча топиш мумкин. Бу ҳақда бир неча йилдирки, кўп ва кўп айтилди ва ёзилди. Ҳўш, нима ўзгарди?

Республикамизга қирб келаётган дори воситаларининг назорати, сифати ҳамда ижтимоий дорихоналар ҳақида маълумот олиш мақсадида Дори воситалари ва тиббий техника воситалари сифатини назорат қилиш ва сертификатлаш Бош бошқармаси ДУКга мурожаат қилдик. Аммо у ерда аввалгига бизни қизқитирган барча саволларга "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

ҳақида"ги Қонундан жавоб топишимиз мумкинлигини тушунтиришди. Биз саволларимизга айнан мутахассиснинг жавоби кераклигини айтганимизда эса ҳар қандай масала юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилиш лозимлигини билдириб, гапни қисқа қилишди. Начора, вазирликка йўл олдик. Бироқ, вазирликка бизни қабул қилган мутасаддиларнинг биринчи саволи ДУКдагиларниқидан ҳам ошиб тушди: "Қоғозингиз қанчи?"

Бу даргоҳда қоғозбозлик ҳанузгача биринчи ўринда эканлигидан ҳайрон бўлсак-да, таширғимиз сабабини яна бир бор ётиғи билан тушунтирдик. Шундан кейингина бир рамакга кўнғироқ қилишни маслаҳат беришди. Гўшақни кўтарган ходим бу масалалар билан шахсан вазир ё ўринбосари шугулланишини айтиб,

бошқа телефон рақамини берди. У ердан эса иложи бўлса хат билан мурожаат қилиш кераклигини тушунтиришди. Шу ўринда ҳайратимизни янада оширган ҳолатга тўхталиб ўтаск: мурожаатимизни эшитгач, барча саволларимизга тегишли қонундан жавоб олишимиз мумкинлигини тушунтирган ДУК ходими-ю, биздан расмий қоғоз сўраган вазирликдаги ходим ҳам "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкинлиги, шунингдек, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида ҳам ахборот олишга доир сўров оғзаки, ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали

электрон шаклда ифодаланиши мумкинлиги белгилаб қўйилганини наҳотки билмасамиз!

Қолаверса, оммавий ахборот воситаларининг биринчи галдаги возифаларидан бири жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан аҳолини тезкор хабардор қилиш эканлигини инобатга олган ҳолда, тахририят томонидан мурожаат қилинган мутасадди ташкилотлар қонунларга иттифот қилган ҳолда, сўровларга ўз вақтида жавоб беришса, ортиқча гап-сўзларга, тушунмовчиликларга ўрин қолмасди...

Хуллас, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг талабига кўра, расмий хат билан мурожаат қилдик ва Фармацевтика тармоқларини ривожлантириш агентлиги директори вазифасини бажарувчи С.Кариевнинг имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олдик.

DOLZARB MAVZU

ЎЗИ БИР ХИЛ – НАРХИ ҲАР ХИЛ

МАЗКУР ЖУМБОҚҚА ЖАВОБ ИЗЛАДИК

Маълумки, Президентимиз томонидан дори воситаларининг сифати ва самарадорлигини ошириш талаб этилмоқда. Бу ўз навбатида, маҳаллий корхоналарнинг халқаро стандартлар талабларига жавоб беришини тақозо этади.

2017-2019 йиллар давомида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга "Яхши ишлаб чиқариш амалиёти" (GMP) сертификати бериш бўйича ўрнатилган тартибда фаолият олиб борилди. Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази ҳузуридаги Тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш органи ва Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат марказининг тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш органи томонидан 2018 йилда дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникага 7 639 та, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларга 2 471 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган бўлса, 2019 йилнинг биринчи чорагида дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникага 1716 та мувофиқлик сертификати, жумладан, маҳаллий маҳсулотларга 519 та мувофиқлик сертификати берилган.

Сертификатлаштириш идоралари томонидан 2018 йил ва 2019 йилнинг 1 чораги давомида 197 та фармацевтика фаолияти билан шугулланувчи корхона ва ташкилотлар томонидан 123 номдаги 183 сериядаги 4 миллион 405 минг 382 ўрам ва 1 миллион 273 минг 717 дона, 140 минг флакон дори воситалари ва 152 номдаги 225 сериядаги 8 миллион 846 минг 946 ўрам, 101 комплект ва 4 миллион 710 минг 108 дона тиббий буюмлар ва 43 номдаги 61 серия 42 тонна 705 кг. субстанцияларига мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибининг такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Республика божхона қўмитаси ва ҳудудий бўлинмаларидан тушган 597 та мурожаат асосида 2018 йил ҳамда 2019 йилнинг 1 чорагида фуқаролардан олинган 6 329 турдаги 482 759 ўрам дори воситалари ва тиббий буюмлар намуналарининг экспертиза ишлари олиб борилиб, қуйидагилар аниқланди:

- 633 турдаги 26 199 ўрам яроқлилик мuddати ўтган, (сифатсиз);
- 1 815 турдаги 338 585 ўрам мувофиқлик сертификати мавжуд эмас;
- 3 326 турдаги 102 764 ўрам давлат рўйхатидан ўтмаган;
- 125 турдаги 27 413 ўрам ёрликлаш бўйича меърий ҳужжатлар талабига мос келмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 334-сон "Ижтимоий дорихоналар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори ижросини таъминлашни кўзлаган ҳолда Ўзбекистон Рес-

публикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ижтимоий дорихоналар ташкил этиш мақсадида давлат-хусусий шериклик номзодини танлаш комиссиясининг қарори билан 17 та юридик шахс билан давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида шартнома тузилиб, 2 241 та ижтимоий дорихона ташкил этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июнь ПФ-5460-сонли "Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш самарадорлигини ошириш ва аҳолини улар билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини қатъий нархларда сотиш тўғрисидаги талаб бекор қилиниб, ижтимоий дорихоналар томонидан юқоридаги фармонга кўра, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт

Гофуржон АЛИМОВ,
«Нуққа»

Л-лизна эсцинат амп 0,1% 5 мл №10

| Ўлгуржи корхоналар | Савдо устамаси | База нархи | Шаклландган нарх |
|--------------------|----------------|------------|------------------|
| 1-ўлгуржи корхона | 5% | 90 000 | 94 500 |
| 2-ўлгуржи корхона | 10% | 90 000 | 99 000 |
| 3-ўлгуржи корхона | 15% | 90 000 | 103 500 |

Энди дорихоналарда нархларнинг шакллантирилишини қуйидаги жадвалдаги мисоллар орқали кўриб чиқамиз.

| Дорихоналар | Ўлгуржи корхонадаси нархи | Дорихонанинг савдо устамаси | Шаклландган нарх |
|-------------|---------------------------|-----------------------------|------------------|
| 1-дорихона | 94 500 | 10% | 103 950 |
| 2-дорихона | 94 500 | 15% | 108 675 |
| 3-дорихона | 94 500 | 20% | 113 400 |
| 4-дорихона | 99 000 | 10% | 108 900 |
| 5-дорихона | 99 000 | 15% | 113 850 |
| 6-дорихона | 99 000 | 20% | 118 800 |
| 7-дорихона | 103 500 | 10% | 113 850 |
| 8-дорихона | 103 500 | 15% | 119 025 |
| 9-дорихона | 103 500 | 20% | 124 200 |
| 10-дорихона | 103 500 | 5% | 108 675 |

Юқоридаги ҳолат шуни кўрсатадики, ўлгуржи корхоналар ва дорихоналардаги нархлар истеъмолчига етгунига қадар нархларни шаклланиш механизми ҳар бир корхона учун индивидуал бўлиб, улар ўзининг молиявий аҳволидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрь ПҚ 2647-сонли "Аҳолини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган, белгиланадиган чекланган савдо устамаларини қўллаш йўли билан шакллантирилган бўлса-да, дорихоналарнинг қайси ўлгуржи корхона билан шартнома асосида савдонини амалга оширишга ва ўзининг савдо устамасини қўллаш йўли билан нархини шакллантиради. Шунинг учун ҳам 2-жадвалда шаклландган нархлардаги ҳолат-ни барча дори воситаларида кўриш мумкин. Бу эса республикадаги барча дорихоналардаги нархлар ҳар хил бўлиши табиий ҳол эканлигини кўрсатади.

Агентликнинг тахририят талабларидан келиб чиқиб, маъносини сақлаган ҳолда қисқартирилган билан чоп этилган жавоби шулардан иборат. Таъкидлаш лозим, бизни қизқитирган саволларга даярли жавоб берилган. Аммо жавоб хати билан тонишиш жараёнида яна айрим саволлар пайдо бўлди. Жумладан, хатда: **...импорт қилинган ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ...ўлгуржи реализация учун — сотиб олинши нархидан 15 фоиздан ортқ бўлган, чакана реализация учун — ўлгуржи нархидан 20 фоиздан ортқ бўлмаган миқдорда амалга оширилиши йўлга қўйилди**, дейилган. Дори воситасини ўлгуржи нархидан 20 фоиздан ошқ бўлмаган миқдорда сотилишининг белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлгани ҳолда, истеъмолчи бирорта дорининг устига 20 фоиздан ошқ қўйилганини ёки йўқми, буни қандай би-лиши мумкин? Ахир гоҳида айрим дорихонадаги баъзи дори воситасининг нархи иккинчисиникидан сезиларли даражада фарқ қилади-ку?!



буюмларини сотиш устамаси қўлланилган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу эса республиканинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрда ПҚ 2647-сонли "Аҳолини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарори тасдиқланган бўлиб, импорт қилинган ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ўлгуржи ва чакана реализацияси, етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, белгиланадиган чекланган савдо устамаларини қўллаш йўли билан амалга оширилиб, ўлгуржи реализация учун — сотиб олинши нархидан 15 фоиздан ортқ бўлмаган, чакана реализация учун — ўлгуржи нархидан 20 фоиздан ортқ бўлмаган миқдорда амалга оширилиши йўлга қўйилди.


Дорихоналарда дори воситалари нархларида тафовутларнинг келиб чиқishi нимага боғлиқ? Бу нафақат ўлгуржи корхоналардаги нархларнинг шаклланиши, балки дорихоналардаги дори воситаларига қўйиладиган устама нархларнинг ҳар хиллигига ҳам боғлиқ. Мисол учун "Л-лизна эсцинат амп 0,1% 5 мл №10" дори воситаси нархларининг шаклланишини қуйидаги жадвал орқали ўлгуржи савдо билан шугулланувчи корхоналарни нархни шакллантиришига мисол келтирамиз.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАМ ҲИСОБИ БОР

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, сўнги йилларда республикада бошқа ижтимоий соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳа ривожига 2017 йилда 6,8 триллион сўм, 2018 йилда эса 9,6 триллион сўм ажратилган бўлиб, шундан дори воситалари ва тиббий буюмлар учун 2017 йилда 267 миллиард 799,9 миллион, 2018 йилда эса 453 миллиард 826,7 миллион сўм пул маблағи йўналтирилган.

Ўз навбатида, бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг талон-торож қилиниши ҳамда дори воситаларини ноқонуний муомалага киритиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлашга қаратилган тезкор тадбирларни амалга ошириш юзасидан Департаментнинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2018 йилда 146 та жиноий ва 171 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган. Фош этилган қонун бузилиши ҳолатлари натижасида 2 миллиард 550,2 миллион сўмлик зарар аниқланиб, 5 миллиард 25,8 миллион сўм миқдордаги товар-моддий бойликлар олиб қўйилган. Мазкур жиноятлар вилоятлар кесимида таҳлил қилинганда, Тошкент шаҳрида 52 та, Фарғона вилоятида 21 та, Жиззах вилоятида 13 та, Тошкент вилоятида 11 та, Қорақалпоғистон Республикасида 10 та, Сурхондарё вилоятида 8 та, Наманган ва Сирдарё вилоятида 7 тадан, Андижон ҳамда Қашқадарё вилоятида

6 тадан, Хоразм вилоятида 2 та, Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида эса 1 тадан жиноят фош этилганини кўриш мумкин. 2019 йилнинг ўтган даврида эса дори воситаларини ноқонуний муомалага киритиш билан боғлиқ 20 та жиноят



иши қўзғатилиб, 154 миллион сўмлик зарар аниқланган, 209,3 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилган. Департамент органлари томонидан, шунингдек, тиббиёт муассасаларига бюджет маблағлари ҳисобидан ажратилган дори воситалари ва тиббий буюмларни талон-торож қилиш, беморларга аслида берилмаган дори воситаларини сохта ҳужжатлар расмийлаштириш орқали ҳисоботларда қўшиб ёзиш ҳолатларига ҳам барҳам бериб келинмоқда. Бу йўналишда ҳисобот даврида жами 40 та жиноят иши қўзғатилган бўлиб, 617,2 миллион сўм миқдордаги дори воситалари талон-торож қилинган фош этилган. Жумладан, Департаментнинг Қо-

рақалпоғистон Республикаси бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган терговга қадар текширишда Республика эндокринология диспансери поликлиникаси моддий жавобгар шахсларнинг ҳисобда турган 10 та қандли диабет касаллиги билан оғриган

беморларга "Мурувват ёрдам" жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган жами 54,4 миллион сўмлик дориларни бермай, тиббий карталарга

"Dobry-lekar" МЧЖга қарашли дорихона сотувчиси Т.Собинова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) фуқаро Н.Каримовга хорижда ишлаб чиқарилган 5 дона "Рубуфин 10 мг", 6 дона "Рубуфин 20 мг", 20 дона "Sonnat 7.5 мг", 2 дона "Regapen 300 мг", "Галлара 150 мг" ҳамда "Тропиламид 10 мл" дори воситаларини 700 минг сўмга сотган вақтда ушланган. Тадбир давомида МЧЖ раҳбари С.Собиров, жамиятнинг норасмий раҳбари Т.Бобоев ва сотувчи Т.Собинова мазкур дорихонада хорижда ишлаб чиқарилган, наркотик моддалар рўйхатига кирувчи 1007 дона "Рубуфин 20 мг" ва 255 дона "Рубуфин 10 мг" номли ҳамда психотроп дори воситаси ҳисобланган 490 дона "Sonnat 7.5 мг" номли ва бошқа жами 13 турдаги 14 834 дона, умумий қиймати 102 миллион сўмлик дори воситаларини қонунга қилоф равишида му-

омалага киритиш мақсадида сақлаб келишгани аниқланиб, мазкур товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган. Бугунги кунда сўхсадаги мавжуд муаммоларни барта- раф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Беморларга аслида берилмаган дори воситаларини ҳисоботларда қўшиб ёзиш ҳолатлари бўйича 40 та жиноят иши қўзғатилган.

сохта ёзувлар киритиб, беморларнинг дориларни ҳисобга олиш журналидаги имзоларни сохталаштириб, талон-торож қилишгани аниқланган. Шунингдек, Департаментнинг Юнусобод тумани бўлими ходимлари томонидан ДХХ Юнусобод тумани бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда тумандаги

малага киритиш мақсадида сақлаб келишгани аниқланиб, мазкур товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган. Бугунги кунда сўхсадаги мавжуд муаммоларни барта- раф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Дилшод ҲИДОЯТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
Департаментнинг бўлим бошлиғи

— ёшлар, вояга етмаганлар ўртасида инсон руҳиятига таъсир қилувчи (психотроп) дори воситалари истеъмолнинг кўплаб учраётганини инобатга олган ҳолда, мактабларда дарслар оралиғида ушбу моддалар истеъмолнинг ўта хавфли экани тўғрисида ижтимоий роликлар ташкил этиш;

— тиббиёт муассасаларга бюджет ҳисобидан ажратилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг талон-торож қилинишининг олдини олиш мақсадида бепул бериладиган дори воситалари рўйхати ва уларнинг ажратилишига асос бўлувчи ҳолатлар юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш;

— хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, фақат рецетт асосида берилувчи дори воситалари рўйхатини кенгайтириш ва маълум ҳисобот даврида ваколатли идоралар томонидан дорихоналарда сотилган дори воситаларини рецетт билан солиштириш орқали дорихоналар фаолиятини назорат қилиш (бунда бирламчи дори воситаларидан ташқари, барча дориларнинг рецетт асосида бериладиган тартибини жорий этиш).

Шунингдек, ҳудудий бошқарма ва бўлимлар томонидан мазкур соҳада ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда унинг олдини олишда йўл қўйилган хато, камчиликлар кўрсатилган ҳолда, кейинги ишларни тизимли ташкиллаштириш кўрсатилиб, умумлаштириш натижаси бўйича йўналтирувчи хат юбориш таклиф қилинади.

Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаш керак. Президентимиз илгари сурган ушбу тамойил асосида мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Гап одамларнинг ҳаётдан, бугунги яшайётган кундан розилиги ҳақида борар экан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари ижроси юзасидан олис қишлоқлар, қаровга, эътиборга муҳтож маҳаллаларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини алоҳида қайд этиш лозим. Зеро, ушбу дастурлар одамларнинг бандлик, тиббиёт, таълим, электр энергияси, газ, ичимлик суви, йўллар каби қўндалик турмушдаги бирламчи эҳтиёжларини қаноатлантиришга йўналтирилгани билан ахамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари мазкур дастурлар ҳақида тўхталар экан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш ислохотларимиз ичидан энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки биз халқимиз олдида уларнинг муаммоларини ҳал этиш, турмуш шароити ва ҳаёти сифатини яхшилашга бурчлимиз", деган эди.

Дарҳақиқат, "Обод қишлоқ" дастури доирасида сарфланаётган миллиардлаб маблағлар эвазига чек-чекка ҳудудларда қурилиш ишлари амалга оширилиб, қишлоқлар обод бўлмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган бундай ислохотларга соя солаётганлар борлиги дилнингизни гашлайди.

2018 йилда Тошкент вилояти Куйичирчиқ туманидаги "Кушек" қишлоғи ҳам "Обод қишлоқ" дастурига киритилиб, ҳудудда комплекс равишда янгилаш ишлари амалга оширилди. Уй-

ЭЛ РИЗҚИГА ХИЁНАТ

ёки «Обод қишлоқ» маблағларини талон-торож қилганлар

жойлар таъмирланди, ён-атрофи ободонлаштирилди. Ичимлик суви тармоқлари таъмирланди, қишлоқни туман маркази билан боғлайдиган ҳамда қишлоқ ички йўллари ва пиёдалар йўлақлари барпо этилди. Шу жараёнда Тошбой Исмоилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) раҳбарлик қилаётган "Agrotexsanoatolding Qurilish" масъулияти чекланган жамиятига ҳам ишонч билдирилди. Мазкур МЧЖ би-

Мирзокул ЮЛДАШЕВ,
Департаментнинг Куйичирчиқ туман бўлими бошлиғи

ди. У дастлаб 4 миллион 800 минг сўмлик декоратив йиғма девор олиб келиб ўрнатади. Қолган ишлар эса ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Бу орада туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Фарид Абилов МЧЖ раҳба-

Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ишлар бажарилмаганини била туриб, далолатномага имзо чекиб юбораверади.

лан туман ободонлаштириш бошқармаси ўртасида шартнома имзоланади. Унга мувофиқ, жамият томонидан қишлоқдаги уйлар атрофи ободонлаштирилиб, декоратив йиғма девор билан ўраш белгиланади. Т.Исмоилов шартнома шартларини бажаришга кириша-

рига бир неча марта кўнғироқ қилиб, қолган ишларни ҳам охирига етказишни талаб қилади. Т.Исмоилов эса ҳисоб рақамидан пул йўқлиги, шартномада кўрсатилган пуллари ўтказиб берса, ишни битиришини айтади.

Аслида шартномага мувофиқ, бажа-

рилиши лозим бўлган ишлар охирига етказилгач, кўрсатилган маблағ МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказилиши керак эди. Туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Фарид Абилов бунни жуда яхши билса-да, Т.Исмоиловнинг найрангига "лаббай" дея жавоб бериб, барча ишлар тўлиқ бажарилгани ҳақида далолатнома тузиб, унга сохта маълумот ва ёзувлар киритиб, расмийлаштиради. Ишлар бажарилмаганини била туриб, далолатномага имзо чекиб юбораверади. Оқибатда "Обод қишлоқ" дастурига ажратилган маблағлардан 123 миллион 234 минг сўм пул "бажармаган ишлари учун" "Agrotexsanoatolding Qurilish" МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Мақсадига эришган Т.Исмоилов пул келиб тушиши билан уларни ўзлаштириб, талон-торож қилади. Ф.Абилов эса ноқонуний ҳаракати оқибатида "чапак чалиб" қолаверади.

Қинғир ишнинг қийғи, бир кун албатта ошкор бўлади, деб бежизга айтишмайди. Департаментнинг Куйичирчиқ туман бўлими томонидан ўтказилган текширишда Т.Исмоилов ҳамда Ф.Абиловнинг қилмишлари фош этилди. Уларга жиноят ишлари бўйича Куйичирчиқ туман судининг ҳукми билан тегишли жазо тайинланди.

Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг туб моҳиятини тўла тушуниб етмаган, халқ манфаатларидан кўра ўз जिғилдонни кўпроқ ўйлаган кимсаларга, гувоҳи бўлганингиздек жазо муқаррардир.

Жорий йил 29 апрель кўни "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент фармони қабул қилинди.

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқлар, интернет сайтларида бу каби ҳабарлар кўпайиб қолди. Нега?..

Уз жонига қасд қилиш — аксарият ҳолатларда олдини олиш қийин бўлган офат сифатида баҳоланади. Инсонни ўз ҳаёти билан видолашишга ундаган сабаблар ҳатто унинг қариндошлари ва яқинлари учун ҳам жумбоқлигича қолмоқда. Энг даҳшатлиси эса, бу машъум ишга ҳали бутун ҳаёти олинди бўлган ёшлар кўл ураётганидир. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг статистик маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда миллионга яқин киши ўз жонига қасд қилар экан.

Вояга етмаганлар орасидаги суицид бошқа ёш гуруҳларидаги суицид даражасига нисбатан юқори бўлгани туфайли унга алоҳида эътибор қаратилади. У одатда қатор ижтимоий, психологик сабаблар туфайли юзага келади. Айнан мазкур фожиа туфайли ёш йигит ва қизлар ҳаётдан эрта кўз юмаётгани учун бу ҳолат тадқиқотчиларни ҳам тобора кўпроқ ташвишга солаяпти. Ҳаётнинг ачиқ-чучугига эндигина рўпара бўлиб, мустақил умр йўллариغا илк қадамини қўйган ёшларнинг бу каби машъум тақдирга нима ундаётгани кўпчилик учун мавҳумлигича қолмоқда.

Биз бу борада мутахассисларнинг фикри билан қизиқдик.

Зебинисо АХМЕДОВА, «Афросиёб» психологик маркази раҳбари, психотерапевт психолог:

— Вояга етмаганлар томонидан суициднинг амалга ошириш шахсий фожиа, табиий офатлар, умидсизлик, ўлим қўрқуви таъсирида кечади. Бу борадаги тадқиқотлар шунини кўрсатадики, аксарият суицидлар оиладаги келишмовчилик, ўқитувчилар, педагогларнинг қўполлиги, синфдошлари билан келишмовчилик, турли можаролар, атрофдагиларнинг эътиборсизлиги оқибатида юз беради.

Ўз жонига қасд қилиш айна табиат гуллаб-яшнаган даврда, яъни баҳорда кўпроқ қайд этилади, дейди мутахассислар. Психологлар қалбдаги тушкун кайфият ва табиатнинг турфа ранглари ўртасидаги қарама-қаршилик, кескин фарқ бунга сабаб бўлиши мумкин, деб кўрсатадилар. Америкалик олим Томас Эллиот энг шафқатсиз ой деб апрелни кўрсатади. Суициднинг энг кўп миқдори айнан апрель ойига тўғри келиши қайд этилган.

Суицидга мойил ёшлар одатда тўғридан-тўғри ёрдам излашмайди. Шунга қарамай, уларнинг ота-оналари, муассаса маъмурияти ёки тенгдошлари оғохлантирувчи аломатларни аниқлаши ва ўсмирни сақлаб қолиш учун қандайдир қораларни кўриши мумкин. Инсонга қулоқ тутиш орқали унинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин. Агар сиз ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган биророта одамни билсангиз ёки "унда суицидга мойиллик бор", деган гумонда бўлсангиз, у ҳолда, ҳаётини сақлаб қолишда унга ёрдам беришингиз мумкин. Бунинг учун шунчаки унинг айтганларига қулоқ тутинг! Ўзини ўлдиршига чоғланган одамлар кўпинча "менинг ҳеч кимга керагим йўқ", "менинг бошқа олим йўқ" ва "мен ҳақимда ҳеч ким қайғурмайди" деб ўйлайдилар. Одамларни тинглаш орқали улар билан содир бўлаётган ҳодисаларга ва содир бўлиши мумкин бўлган нарсаларга бефарқ эмаслигини намоён этамиз. Ота-

— Университетнинг 4-босқич талабаси Дилбар Баҳодирова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жуда одобли, ақлли қиз эди. Бирор сабабсиз дарс қолдирмасди. Баҳолари ҳам аъло. У ўз жонига қасд қилишидан бир кун олдин, яъни 30 март кунини жадвал бўйича 1 пара дарс бўлган. Уша куни узоқдан келган талабаларнинг ҳаммаси деярли уйларига кетишади. Дилбар қишлоқдаги уйдан бир кун олдин келганлиги сабабли, қишлоққа эмас, марказдаги ақсининг уйига қайтган экан... Акаси ва келиноийси Тошкентда бўлганлиги учун ўғлининг уйда ёлғиз қолган қизидан хавотирланган онаси, унга қўнғироқ қилиб, "келасанми", деб сўраганида, Дилбар дугоналари билан дам олиш куни кутубхонага боришини айтган экан. Эртаси куни онаси эрталаб қизига яна бир неча бор қўнғироқ қилади, ундан жавоб бўлавермагач, қизнинг дугонаси билан боғланади. Дугонаси ҳам кутубхонага боришларини, ҳали у билан гаплашмаганини айтади. Шундан сўнг хавотирга тушган она Ғиждувондан Бухоро шахрига етиб келади. Бу орада қизнинг дугонаси ҳам унга бир неча маротаба қўнғироқ қилган экан. Дилбар билан боғлана олмагач, унинг онаси билан боғланади. Шу вақтда онаси қизи билан боғлиқ ҳолатни айтиб йиғлайди. Биз эртаси куни Ғиждувонга борганимизда қизни дафн этиб бўлишгани, — деди биз билан суҳбатда Д.Баҳодированинг курс раҳбари Жўрабек Маждидов.



ЁШАРАЁТГАН ИЖТИМОИЙ КАСАЛЛИК

оналар муассаса маъмурияти ёки ижтимоий марказларга илоҳи борича тезроқ ёрдам сўраб, муурожаат қилишлари керак.

Ўсмирлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг илдизини, аввало, оиладан қидириш керак. Бола гўдаклик чоғида руҳий жароҳат олса, вақт ўтиб у албатта ўзининг салбий таъсирини намён этади. Руҳий жароҳат деганда нима тушунишимиз мумкин? Масалан, ҳаддан ташқари қаттиқ овоз ёки шовқин. Бу нафақат оилада эр-хотиннинг баланд овозда жанжаллашиши, балки мунтазам равишда телевизор ёки радиони баланд овозда қўйиш, турли шовқинли дастгоҳларни ишлатишини ҳам шундай омиллар сирасида қўйиш мумкин. Бундай ташқи таъсирлар уч ёшгача бўлган боланинг онгости қатламларида ўзига ишонсизлик, қўрқув хиссиёти кўринишида сақланиб қолади. Бола жисмонан ва ақлан вояга ета бошлагач, шу "жароҳат" ўзини "эслата бошлайди". Улғайганда тўсатдан турли касалликларга чалиниб қолишига чақалоқлигида бошига олган зарба сабаб бўлгани каби оила муҳитидаги но-

тинчлик энди таҳлил қила олиш қобилиятига эга ўсмирни муаммонинг ечими сифатида турли кескин хатти-ҳаракатларга, жумладан, ўз жонига қасд қилишга ҳам ундаши мумкин. Бу энг оддий омиллардан биргина мисол, ҳолос. Юқорида айтганимиздек, инсонни аффе́кт ҳолатига солиб қўядиган сабаблар жуда кўп ва улар асосан оилада шаклланади.

Ота-она фарзандини моддий томондан бекамий-кўст таъминлаб қўйиши, чиройли кийинтириши, телефон, компьютер олиб бериши, чўнтагига катта-катта пул солиб қўйиши мумкин ва ҳоказо. Лекин буларнинг бирортаси болага бериш керак бўлган ҳақиқий меҳр ва ажратилиши керак бўлган вақтнинг ўрнини боса олмайди. Бола билан уч ёшгача подшоҳ, ўн ёшгача кул, ўн ёшдан кейин дўст сифатида муносабатда бўлиш керак, деган гап бор. Аксарият ҳолларда фарзанди орзу қилган барча шартларни муҳайё қилган ота-она боласининг айна дамдаги ўй-хаёли, режаси, муаммоси ҳақида у билан бир кунда ярим соатгина самийий суҳбатлашишни ортиқча деб билади. Ўз уйда топа олмаган эътибор-

ни бола кўчадан, бегоналardan топиши ҳам қийин бўлади. Оилада ва жамиятда ёлғизлини қолган ўсмирда ҳаётда ўз ўрни борлигини кўрсатиб қўйиш истаги тугилади, онгиде ҳаёт зиддиятларига қарши кураш бошланади ва бу кураш жараёни болада асабийлик, руҳий зўриқиш ҳолатларини ривожлантириб, аффе́кт ҳолатига олиб боради ҳамда афсуски, айрим ҳолларда бу ўз жонига қасд қилиш билан тугайди.

Шерали ТОШМАТОВ, Олмазор тумани «Ҳофиз Кўҳазор» жомье масжиди имом-хатиби:

— Бизнинг Ислom шариати-миз инсон ҳаётини муҳофаза қилиш мақсадида ўзини ўзи ўлдирини (ўз жонига қасд қилишни) ҳаром қилган. Ҳаёт Аллоҳ томонидан берилган бебаҳо бойлик бўлгани учун уни ҳеч ким бировга миннат ҳам қила олмайди, ман ҳам этолмайди. Инсоннинг ҳаётини фақат Аллоҳ таологина олишга ҳақли. Хаттоки ўша ҳаёт неъматини берилган шахсининг ўзи ҳам ўз ҳаётига суиқасд қилиши мумкин эмас. Муқаддас Ислom динида бировни ўлдирини қанчалик ёмон ҳисобланса, ўзини ўзи ўлдирини ҳам шунчалик ёмондир.

Аллоҳ таоло инсон зотини азизу мукаррам қилиб яратган. Унинг шаънини улуглаб, ер юзидаги барча нарсаларни унинг манфаати учун пайдо қилди. Инсоннинг шаъни, молига, жони ва насабига тажовуз қилишга олиб келадиган барча ишларни ман қилиб қўйди. Бу ҳақда Қуръони каримнинг "Бақара" сураси 195-оятда шундай марҳамат қилинади: "Ўз қўлларингиз билан ўларингизни ҳалокатга ташламангиз".

Ўз жонига қасд қилиш оғир гуноҳлиги тўғрисида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча ҳадиси шарифларда таъкидлаганлар. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан

ми ҳам бўлмас экан. "Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, қолган ўн беши ёруғ". Сабр билан, тўғрилик билан синовлардан ўтиш эса инсонни қамолот сари етаклайди.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида шундай деб марҳамат қилади: "Ва ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмлидир. Ким бунга тажовуз-қорлик ва зулм ила қилса, уни албатта дўзахга киритурмиз. Бу эса Аллоҳга осондир" (29-30-оятлар).

У Зот биз, мўмин-мусулмонларга раҳм қилгани учун ҳам ҳалокатга олиб борувчи ишлардан, жумладан, ўзини ўзи ўлдирини қайтариб, наҳотқа сабаб бўлувчи ишларга буюрмади. Бу ҳол Аллоҳнинг раҳматидир. Агар У раҳм қилиб, тўғри йўлни кўрсатиб бермаганида, нотўғрисида қайтармаганида, инсон зотта қатта машаққатда қолган бўлар эди. Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзини ўзи ўлдирганга жаноза намозини ўқимаганлар. Аллоҳ берган улуг неъмат — ҳаёт неъматига, буюк инсоний ҳуқуқлардан саналмиш ҳаёт ҳаққига ношукр бўлган, уни оёқости қилган нобакор шахсининг жазоси шундай бўлади. Қалом шарифда: "...борди-ю, ношукрлик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир", дейилган ("Иброҳим" сураси, 7-оят).

Ҳаёт инсонга уни беҳудуга созуриш учун берилмаган. Балки, бу башариятга Аллоҳ таоло томонидан вақтинча берилган фурсатдир. Қуръони каримда "Сунгра, албатта, ул қунда (охиратда) неъматлар ҳақида сўралурсиз!" (Тақосур сураси 8-оят) дейилган. Неъматларнинг энг аввалида эса умр неъматини туради. Бирор бир дин йўқки, инсоннинг ўз жонига қасд қилишини қаттиқ қораламаса, бирор жамият йўқки, бунга қарши курашмас.

Юқоридаги оят ва ҳадисларда ўз жонига қасд қилишнинг оғир гуноҳ эканлиги таъкидла-

MULOHAZA UCHUN MAVZU

ривоят қилинган ҳадисда: "Ким тоғ тепасидан ташлаб, ўзини ўзи ўлдирса, ўлгандан сўнг жаҳаннамда (ўзини тоғ тепасидан ташлаб) шу хил азоб билан абадий азобланади. Ким заҳар ичиб ўзини ўзи ўлдирса, жаҳаннамда доимо қўлида заҳар ичи билан шу азобга дучор бўлади. Ким ўзини темир парчаси билан ўлдирса, ўша кимса темир парчаси қорнига сурилган ҳолда жаҳаннам ўтида абадий қолади", дедилар. Бошқа бир ҳадисда: "Ўзини ўзи бўғиб ўлдирган киши дўзахда ҳам шу хилдаги азобга қолади ва ким ўзини олов билан ўлдирса, дўзах оловида ҳам худди шундай азобга солинади", — дейилган.

Демак, инсон бу синов дунёда бошига келадиган қийинчилик ва машаққатларга бардош бера олмай умр деб аталган буюк омонатига ҳиёнат қилиши улкан гуноҳ бўлиши билан бирга муаммонинг ечи-

Лафозат БҮРИЕВА,
журналист

ниб айтилмоқда. Ўз жонига қасд қилиш Аллоҳ таолонинг қазойи қадарига қарши чиқишдир. Ўзини ўзи ўлдирганлар охиратда оғир азобда қолишади.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, ёшлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш, аввало, оиладаги диний тушунчанинг етишмаслиги бўлса, ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясига бефарқлигидан ҳам келиб чиқади. Бир инсонни дунёга келтирганлар уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида ҳам сабабчи эканликларини унутмаган ҳолда уларга кўмакчи бўлса, фарзандларини эшитса, уларни қийнаётган масалаларда ёрдамларини аймаган ҳолда дўстидек ёнида турса, балки бундай ҳолатларнинг олди олинган бўлариди...

ПОРА ЭВАЗИГА ОҒДИРИШ

Хабарингиз бор, газетамизнинг аввалги сонларида прокуратура ходимларини пора эвазига оғдириш ҳолатлари хусусида сўз юритган эдик. 2018 йилда бундай ҳолат билан боғлиқ 100 га яқин ҳолат аниқланиб, прокуратура ходимини сотиб олмоқчи бўлган шахсларга нисбатан қатъий тарзда маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кўрилган. Дарҳақиқат, ўтган йилда прокуратура органларида кадрлар билан ишлаш тизими тубдан такомиллаштирилиб, ички хавфсизликни таъминлаш, ходимлар томонидан коррупциявий ҳолатларга йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муайян натижаларга эришилди. Жорий йилда ҳам ходимларни пора эвазига оғдиришга бўлган хатти-ҳаракатларга қарши кескин чоралар кўрилмоқда. Қуйидаги мақолаларда шулар ҳақида сўз юритилади.



ЗАРАРНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН «ТАКЛИФ»

"Billur neft gaz savdo", "Bek hiquiqiy servis", "Olot progress building" масъулияти чекланган жамиятлари ва "Ali shams baraka", "Amirshox bunyodkor quruvchi" хусусий корхоналарининг норасмий раҳбари Алимардон Фозиллов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) сохта тадбиркорликка ўзгартирилган бизнеси конун ҳимоячилари "назарига тушиб қолгани"дан ўзини қай бурчакка уришни билмай қолди. "Пул бўлса, чангалда шўрва", деб ўйлади чамаси, ўзи ва ҳамтовокларига нисбатан Бош прокуратура ҳузурдаги Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш департаменти томонидан кўзгатилган жиноят иши бўйича ўтказилган тафтиш натижасига кўра тузилган далолатномада давлат манфаатларига етказилган жуда кўп миқдордаги моддий зарарнинг ҳақиқий миқдорини камайтириб кўрсатиш ҳамда жамиятларидан бирининг банкдаги ҳисоб рақамига қўйилган тақини бекор қилдириш мақсадида, мазкур жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказган давлат органи мансабдор шахси ҳисобланган Бухоро вилоят прокуратураси ходимини сотиб олмоқчи бўлди. У прокуратура ходимига 3000 АҚШ доллари миқдорига пора таклиф қилди...

банк" Бухоро вилоят филиалидаги иккиламчи ҳисоб рақамларини очтириш йўли билан сохта тадбиркорлик фаолияти бўйича банк амалиётини амалга оширади. Жами 781 миллион 548 минг сўмлик нақд пул кўринишидаги банкдан ташқари товарсиз пул айланмасини амалга ошириб, жуда кўп миқдордаги савдо қондаларини бузади.

У жиноий шериги М.Мелиев билан қинғирликларини давом эттириб, худди аввалги услубда бу гал "Ali shams baraka" хусусий корхонаси орқали ноқонуний нақдлаштириш фаолияти билан шуғулланади ва 2 миллиард 773 миллион 350 минг сўмлик нақд пул кўринишидаги банкдан ташқари товарсиз пул айланмасини амалга оширади.

Шу тахлит жиноий фаолиятини ривожлантириб борган сохта тадбиркор навбатдаги жамиятда ҳам синашта бўлиб қолган М.Мелиев билан ҳамкорлик қилди. 2018 йилда "Bek hiquiqiy servis" МЧЖга уни директор этиб тайинлаб, биргаликда 1 миллиард 149 миллион 972 минг сўмлик нақд пул кўринишидаги банкдан ташқари товарсиз пул айланмасини амалга оширади.

Бошқа ҳолатда эса у Х.Рустамов

Рустам БЕРДИЕВ,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

за қилувчи органлар томонидан фош этилиши мумкинлигини билмасди, деб ўйлайсизми? Ўйланган, албатта. Шу сабабли ҳам ҳамтовоклари билан қўлини, сохта тадбиркорлик субъектларининг қатъий ҳисобидаги бухгалтерия хужжатлари, бухгалтерия бош китоби, айланма китоблар, ишонч қоғозларини юритиш китоби, касса китоби, буюртмачи ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги журналларни, шартномалар, ишончномалар, ҳисобварақ фактуралари ва бошқа бухгалтерия ҳисоби хужжатларини гаразгүйлик ниятида йўқ қилган.

Биз юқорида жиноий тўданинг нақдлаштириш "амалиёти" хусусида тўхталдик. Уларнинг жиноий фаолияти факат шундангина иборат бўлмаган экан. Сохта тадбиркор хужжатларни сохталаштириш борасида ҳам устаси фаранг бўлиб кетган экан. У ҳамтовоклари билан бирга "Bek hiquiqiy servis" ва "Olot progress building" МЧЖларнинг автомобиль транспортида юкларни шахарлараро йўналишларда ташиш ҳуқуқини берувчи Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг лицензиясини, "Ali shams baraka" ХКнинг алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган Бухоро вилоят ҳокимлигининг лицензиясини компьютер техникаси воситасида сохталаштириб, муайян ҳуқуқ берадиган расмий хужжат ҳисобланган мазкур лицензиялар қалбаки эканлигини билла туриб, уларнинг нусхаларини кўпайтириб, банк муассасаларига ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиб, жамият ва давлат манфаатларига жуда кўп миқдордаги зарар етказган.

Ҳар нарсанинг интихоси бўлгани каби А.Фозилов ва унинг ҳамтовокларининг қилмишлари ҳам фош бўлмай қолмади. Уларга нисбатан жиноий иш кўзгатишга, сўзимиз аввалига келтирганимиздек, тўдабоши прокуратура ходимини пул эвазига оғдиришга уринди. У бу ҳаракати билан яна бир жиноятга қўл урди.

Вилоят прокуратураси ходимининг мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси раҳбарияти номига ёзган билдиргиси асосида Бухоро вилоят прокуратураси ва МИБ вилоят бошқармаси тезкор ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда А.Фозилов прокуратура ходимига унинг хизмат хонасида 3000 АҚШ доллари миқдоридagi пуллари пора тариқасида берганидан сўнг жиноят устида қўлга олинди.

Суд томонидан А.Фозиловга 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш, М.Мелиевга ойлук иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари, Х.Рустамовга энг кам ойлук иш ҳақининг 60 баравари миқдорига жарима ва Ш.Азимовга ойлук иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Одил Саидов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 4 йилдан бери мактабда ҳисобчи бўлиб ишлаб келади. Акмал Ҳамидов эса шу мактабда хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, унинг ҳам ваколатлари анчагина.

Прокуратура ходимини сотиб олмоқчи бўлди

Равшан БАХРИДДИНОВ,
Булунгур туман прокурорининг ёрдамчиси

Улар ана шу ваколатларидан уздабуронлик билан фойдаланди. Дастлаб мактабнинг бола парвариши ва туғруқ таътилига чиққан 12 нафар ўқитувчи-ҳодимига бир йил мобайнида иш ҳақи ёзишди. Ходимларнинг имзоларини сохталаштириб, жами 98 миллион 102 минг 210 сўм миқдоридagi бюджет маблағларини талон-торож қилишди.

Нафси ҳақалак отиб бораётган бу кимсалар кейинги гал бошқача йўл туттишди. Ҳақиқатда меҳнатга лаёқатсизлик таътилида бўлмаган мактабнинг 8 нафар ходимига жами 9 миллион 568 минг 739 сўм нафақа ҳисоблаб, бу пуллари ҳам чўнтакка уришди.

О.Саидов муқаддам судланган. Аммо бу ҳолат уни қинғир ишлардан қайтаришда туртки бўлмаган экан. Аксинча, у "ўрганган кўнгал, ўртанса қўймас" қабилада иш тутди.

Моддий манфаат учун ҳеч нарсдан қайтмайдиغان бу шериклар яна пухта режа тузди. Ўн нафар ходимга 3 миллион 752 минг сўм аванс пуллари, меҳнат шартномаси бекор қилинган, ҳақиқатда ишламайдиган 5 нафар ходимга эса 2 миллион 870 минг 256 сўм иш ҳақлари ҳисоблашди. Банк муассасасидан нақд пул шаклида олинган жами 6 миллион 622 минг 347 сўм бюджет маблағлари уларнинг томоғидан ўтди-кетди.

Икковлоннинг ўзгалар ҳақини, бюджет маблағларини ўзлаштириш борасида амалга оширган қинғир ишларини ёзаверсак, анчагина қоғоз сарф бўлади. Мактабга тафтишчи келган, бу кимсаларнинг ҳаловати йўқолди. Қинғир ишларининг миси чиқиб, мактаб жамоасининг олдига ҳурмати бир пул бўлди.

Ўзгалар ҳақини еб ўрганган, ҳамма нарсани пул билан ўчатишдан Одил дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бораётган туман прокуратураси ходими олдига ялтқолана бошлади. Терговчидан 1 000 АҚШ доллари эвазига жиноят ишининг ўзига нисбатан бўлган қисмини тугатишни сўради.

О.Саидов терговчининг хизмат хонасида пора бераётганда ашёвий далил билан қўлга олинди.

Суд ҳукми билан у 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси ва 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни давлат иш-тироқидаги корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Акмалга эса ҳар ойлук иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди ҳамда у 3 йил моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.



Қилмишлари учун муқаддам икки марта судланган, ўталмай қолган жазо муддатидан шартли равишда озод қилинган бу кимсанинг "ақли кирмаган" экан. Йўқса, учинчи марта ҳам суд курсисини банд қилмаган бўлар эди. Уни суд ҳукмига ҳавола қилган жиноятлари ҳақида қуйида таништирамиз.

А.Фозилов бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, 2016-2018 йиллар давомида қонунга хилоф равишда пул маблағларини нақдлаштириш мақсадида юқорида номлари келтирилган сохта тадбиркорлик субъектларини ташкил этди. Жиноий шериклари Ш.Азимов ва М.Мелиев билан биргаликда фойдан солиқлардан озод қилиш, мазкур тадбиркорлик субъектлари орқали ноқонуний молиявий амалиётларни амалга ошириш ва бошқа мулкий манфаатлар қўриш мақсадида ноқонуний товарсиз пул операцияларини амалга оширади.


Жумладан, "Amirshox bunyodkor quruvchi" хусусий корхонасининг АТ "Аска банк" Бухоро шаҳар филиалида асосий ва АТ "Инвест финанс

билан олдиндан жиноий тил бириктириб, "Olot progress building" МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиб, жамият янги ҳамкорини директор этиб тайинлади. Яна "эски сценарий" асосида фаолият олиб бориб, бу сафар 433 миллион 300 минг сўмлик нақд пул кўринишидаги банкдан ташқари товарсиз пул айланмасини амалга оширади.

Сохта тадбиркор фаолиятидаги йирик нақдлаштириш операцияси "Billur neft gaz savdo" МЧЖ хиссасига тўғри келди. У мазкур жамият орқали 4 миллиард 123 миллион 948 минг сўмлик нақд пул кўринишидаги банкдан ташқари товарсиз пул айланмасини амалга оширди. Шунингдек, А.Фозилов жиноий фаолиятини давом эттириб, маҳсулотлар реализация қилинишидан тушган ва етказиб берилган товарлар учун давлатга тўлашни лозим бўлган 266 миллион 442 минг 600 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлади.

Миллиардларни миллиардларга уриштириб, фойда олишни билган одам қинғирликлари ҳуқуқни муҳофа-

Тошкент-Андижон пуллик автомобиль йўли қурилади. Қурилиш ишлари 2021 йил август ойида бошланиши мўлжалланган.



FAOLIYATIDAN

Таълим тизимининг издан чиқиб, аянчли аҳволга келиб қолишига катта таъсир кўрсатган омиллардан бири — коррупциядир. Бугун бу иллатларга қарши жиддий кураш олиб бориляпти.

Асосий эътибор таълим ривожига тушув бўлаётган бу иллатни илдиридан қирқишга, тизимга янги ва инновацион лойиҳаларни татбиқ этишга қаратилмоқда. Яъни шу чоқча биз айтишга истиҳоло қилиб ёки беркитиб келган камчиликларни хал элтиш учун йўллар очилди. Эндиликда жамиятимиз таълим тизимини орқага тортаётган қусурларга қарши курашда фуқароларимиз ҳам бирмунча фаоллашди.

Хусусан, Ўлмас Қоратоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўтган йил май ойи бошида ўзи таҳсил олган Тошкент шаҳридаги коллежлардан бирига боради. Боиси, у коллежга ўқишга кирган бўлса-да, дарсларга қатнашмаган, бити-

Ўқимасанг ҳам диплом оласан, аммо...

рув имтиҳонларини ҳам топширмаганлиги сабабли диплом берилмаган эди. Вақт ўтиб, ишга жойлашганидан сўнг, унга коллежни тугатганлиги ҳақидаги диплом керак бўлади. Собиқ талаба директор ўринбосари Дилшода Воҳидованинг хонасига киради ва дипломини олиш учун келганини айтади. Унинг гапларини тинглаган Д.Воҳидова авва-

Шахриддин ЖАББОРОВ,
Департаментнинг
Тошкент шаҳар бошқармаси
катта суриштирувчиси

ри ноқонуний эканини англаган Ўлмас ушбу ҳолат юзасидан қонуний чора кўришни сўраб, Департаментнинг Юнусобод туман бўлимига ариза билан мурожаат қилади. Хуллас, ҳолатга ойдинлик киритиш учун

Диплом олиш учун келган собиқ талабага коллеж директори ўринбосари икки йўлдан бирини танлашни таклиф қилди.

лига унга имтиҳонларни топшириш кераклигини, диплом иши ёзиб, ҳимоя қилиш зарурлигини айтади. Шу жараёнлардан ўтса, кейин диплом берилишини таъкидлайди. Аммо бунинг яна бир усули борлигини ҳам иттифоқ қилиб, овозини пасайтиради. Агар 500 минг сўм берса, дипломини ҳеч қандай имтиҳонларсиз, расмийлаштириб беришини айтади. Агар дипломини яна бошқа йўллар билан олмақчи бўлса, бундан ҳам қимматга айланиб кетишини таъкидлаб, Ў.Қоратоевни алдайди. У директор ўринбосарига шароитидан келиб чиққан ҳолда жавобини айтишини маълум қилади ва унинг хонасидан чиқиб кетади. Д.Воҳидованинг ҳаракатла-

Департамент ходимлари диришор ўринбосари билан ўқувчи ўртасидаги сўхбатни ёзиб олиш учун Ў.Қоратоевга диктофон беришади. Ўлмас шу кунни Д.Воҳидованинг олдида бориб, у билан яна сўхбатлашади. Дипломни олиб бериши учун директор ўринбосарига 500 минг сўм эмас, 400 минг сўм бериши мумкинлигини айтади. Д.Воҳидова бу пулга рози бўлади ва тезроқ беришини талаб қилади.

Ўтган йилнинг 8 май кунни Д.Воҳидова автобус бекатида Ў.Қоратоевдан 400 минг сўм пуллани олган вақтида кўлга олинди ва жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг ҳукми билан унга тегишли жазо тайинланди.

Давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячиси. Ана шундай талаблардан келиб чиққан ҳолда иқтисодийнинг локомотивига қийсанувчи тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик такомиллаштирилмоқда. Солиқ тизими ислоҳ қилинмоқда, фаол ишбилармонлик муҳити шакллантирилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти давлат ҳимоясида

Мирзохид ТОШМАТОВ,
Департаментнинг Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидандир. Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларининг эркин, тўсиқларсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш борасидаги тезкор тадбирларда уларга нисбатан содир этилган порахўрлик ва тамағирлик, кредит ажратишдаги суиистеъмоллик, мол-мулкни талон-торож қилиш, фирма номи ва товар белгисидан ноқонуний фойдаланишдан иборат 13 та жиноят фош этилди.

Хусусан, "Ўзбекэнерго" АЖнинг Фарғона шаҳар электр тармоқлари қорхонаси раҳбари ва бош муҳандиси тил бириктириб, метан газ қуйиш шохобчасини қўшимча электр қуввати ва техника ускуналари билан таъминлаш ҳамда барча ҳужжатларни расмийлаштириб бериш эвазига 5500 АҚШ доллари талаб қилинган. Департаментнинг вилоят бошқармаси томонидан ДХХ вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда қорхона бош муҳандиси қимматий ишлов берилган 4000 АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтида ушланиб, жиноят иши қўзғатилди.

Департаментнинг Марғилон шаҳар бўлими томонидан "Фирдавс Хилол Файз" МЧЖ раҳбарининг мурожаатига асосан ўтказилган терговга қадар текширувда аниқланганидек, "Микрокредитбанк"нинг Яккатут мини банки етакчи мутахассиси МЧЖга тўқувчилик дастгоҳлари сотиб олиш учун берилган кредитни тўлаш мақсадида банкка келган жамият раҳбаридан 22,8 миллион сўм пулни тадбиркорнинг кредит тўловига йўналтиришини айтиб, санаб қабул қилиб олган. Унга ҳеч қандай тўлов ҳужжати бермасдан, пуллари нашасий эҳтиёжи учун сарфлаб, арзачини алдаб қалаётган етакчи мутахассис томонидан зарарни қоплаш учун ихтиёрий равишда тақдим этилган жами 22,8 миллион сўм ҳолислар иштирокида баённома асосида олинган.

Бундан ташқари, "Микрокредитбанк" Фарғона минтақавий филиали мансабдор шахслари "Фирдавс Хилол Файз" МЧЖ раҳбарини алдаб, тўлов топшириқномасига имзо ва муҳр

Порахўрлик, кредит ажратишдаги суиистеъмоллик, фирма номи ва товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш каби 13 та жиноят фош этилди.

қўйдириб олишган. Арзачининг розилигисиз, ҳеч қандай шартнома мавжуд бўлмаसा-да, у раҳбар бўлган "Муктафил" хусусий фирмаси ҳисоб рақамидаги 74 миллион сўм маблағни "Рустамов Ҳакимжон" фермер хўжалигининг ҳисоб рақамига ўтказиб, ўзлаштириб юборишга аниқланди.

Департаментнинг Марғилон шаҳар бўлими томонидан "Микрокредитбанк" Фарғона минтақавий филиали мансабдор шахслари ва "Яккатут" мини банки етакчи мутахассисига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, терговга тааллуқлилиги бўйича Марғилон шаҳар прокуратурасига юборилди.

Айни чоғда бевосита мулоқот, тарғибот тадбирларида тадбиркорлик субъектларига қонунчиликдаги ангилликлар, яратилган қулайлик ва ангилликлар тушунтириляпти, қонуний фаолият юритиш учун амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Солиқ идоралари билан ҳамкорликда ўтказилган тарғибот тадбирларида яширилган солиқ тўловларини ихтиёрий тўлаганлар жинорий жавобгарликка тортилмаслиги тушунтирилиши натижасида солиқ ва мажбурий тўловларини ҳисоботлардан яшириб келган 39 та тадбиркорлик субъектлари томонидан 7,3 миллиард сўмдан зиёд маблағ давлат бюджетига ихтиёрий равишда тўланишига эришилди.

Жумладан, Сўх туманидаги "Сўхгидроқурилиш" ва "Сўхгидротранс" МЧЖлари томонидан камерал назорат натижасида аниқланган 4 миллиард 300 миллион сўм ва 2 миллиард 200 миллион сўм солиқ тўловлари ихтиёрий тўлаб берилгани инобатга олиниб, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Қонунчиликда тақиқланмаган фаолият тури билан давлат рўйхатидан ўтмасдан шугулланаётган шахсларнинг фаолиятига қонуний тус бериш борасида олиб борилган тарғибот тадбирлари натижасида 514 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди, уларда 518 та янги иш ўрни яратилди. Ўз фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш тўғрисида ариза топширган тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилиб, ишни тўхтатишнинг асл сабабларини аниқлаш ва мутасадди идоралар билан ҳамкорликда улар фаолиятини тиклаш чоралари кўрилмоқда.

100 долларлик дарс соати

Инсон зоти борки, тиним билмай тараққиёт сари одимлайди. Аммо тараққиёт ўз-ўзидан кенг ва раван йўлдан бориладиган манзил эмас. Бу йўлда одамзодга ғов бўладиган, чалғитадиган иллатлар бор. Бу иллатларнинг кенг тарқалган турларига порахўрлик, фирибгарлик ва товламачилик киради.

Расулбек ШЕРЛИЕВ,
Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

ний тарбия ўқитувчиси орқали 100 АҚШ доллари эвазига дарс соатлари кўпайишини айтади. Мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг вилоят бошқармаси томонидан Ф.Жабборованинг аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбир давомида мактаб директори О.Собирова хизмат мавқеидан фойдаланиб, ўз хизмат хонасида инглиз тили фани ўқитувчиси Ф.Жабборовадан 100 АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далиллар билан кўлга олинди.

Одамзод баъзан ўйламай қўйган биргина қалтис қадами туфайли йиллар давомида орттирган обрўсидан айрилиши ҳеч гап эмас. Юқорида номи тилга олинган мактаб директори ҳам йиллар давомида мактаб дея аталган муқаддас даргоҳда раҳбарлик қилиб келган. У таниш-билишлари, жамоаси орасида ўз ўрнига, ҳурмати-га эга ўқитувчи ҳам бўлган. Бироқ, унинг охири-ни ўйламай қилган хатолари жиноят курсисига етаклади. Ушбу ҳолат юзасидан қонуний чора кўрилди.

Бундай жиноятларнинг содир этилиши иқтисодий таълимни заифлаштириб, бошқарувни издан чиқаради. Фуқароларнинг давлатга ишончини поймол қилиб, илм-фан ва меҳнат орқали ҳалол йўл билан мақсадга эришишига тўсқинлик қилади.

Феруза Жабборова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Урганч шаҳридаги мактабларнинг бирида инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишлаб келган. У мактаб директоридан дарс соатларини кўпайтириб беришни илтимос қилади. Лекин мактаб директори Озода Собирова ушбу илтимос тамағирлик эвазига битишини билдирди. Яъни директор ўз қўл остида ишловчи жисмо-

Ташвиш келтирган савдо

Мамлакатимиз фуқаролари банкдан валюта олди-сотдисини эркин ва бемалол амалга ошириш имкониятига эга. Шундай бўлса-да айрим "ишбилармон"лар қонунларимизга зид равишда кўча-кўйда ёки хонадонларидан ноқонуний валюта олди-сотдиси билан шугулланиб келмоқдалар.

Фуқаро Л.Бозоров (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг аризаси юзасидан ўтказилган тезкор тадбирда А.Раҳматов, Б.Пўлатов ва К.Нуримовлар бир гуруҳга бирилашиб, қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олиш ва ўтказиш билан шугулланиб келганликлари аниқланди.

Улар Қарши шаҳридаги "Мағзон" маҳалласига кириш йўлида Л.Бозоровга 3 100 АҚШ долларини 24 миллион 490 минг сўмга сотган вақтда ушланди.

Шунингдек, фуқаро Б.Эшонқулвининг мурожаати юзасидан ўтказилган тезкор тадбирда А.Суннатов ва М.Имомқуллов муқаддам судланган бўлишига

Жамшид РЎЗИЕВ,
Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими бошлиғи

қарамасдан қонунга хилоф равишда чет эл валютаси олди-сотдиси билан шугулланиб келишигана аниқланди. Улар ҳаридорга 2500 АҚШ долларини 20 миллион 625 минг сўмга сотган пайтда ушланди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан айбдорларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шундай ривоят бор:

Бир ўғри қанча вақт мобайнида тунлари яширин йўл (лаҳм) қовлаб, мамлакат хазинасини ўмармоқчи бўлибди. Не-не машаққат ва заҳматлар эвазига мақсадига эришиб, олтин-жавоҳирларни қопга жойлаб, орқалаб кетмоқчи бўлиб турганида, тун қоронғусида кўзига ярақлаб кўринган нарсани олмас деб ўйлабди ва уни ҳам олишга аҳд қилиб, ялаб кўрсаки, туз экан.

"Бу ердан туз тотдим, шу туз ҳаққи хазинани ўмариб кетолмайман", дея ҳеч нарса олмасдан чиқиб кетган экан...

Ушбу ривоятни келтиришимиз боисини қўйидаги тафсилот билан танишгач, англаб етишингизга аминмиз.

ЭГРИҚЎЛ УСТА

Азимжон Юлдашев устачилик, қурилиш ишлари-ю, унча-мунча кундалик юмушларни уддалай оларди. 2018 йилнинг баҳорида Чортоқнинг "Бодомзор" маҳалласида яшовчи Фозилжон Жўрабоев уйига шундай кундалик юмушларни бажариш учун келган Азимжоннинг қўли ишда бўлса-да, қўллари атрофга олазрак боқиб, "олма-кесақ терарди".

Тирикчилик ваҳидан ҳалол меҳнат қилиб, ризқ-насиба топиш ниятида келган одамнинг фикру хаёли фурсатини топиб хонадонни шип-шийдан қилиш эканини эса, табиийки, хонадон эгалари хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Оласи ичида бўлган кимса буни айна муддао деб билди-ю, дастлаб хонадон соҳибларининг уйда йўқлигидан фойдаланиб, 120 минг сўмлик "Скор" номли ўсимликлар парваришида қўлланиладиган дори воситасини, кейинроқ дарвозахонадаги 10 метр кабел ҳамда 1 қоп "селитра"ни "туя қилиб", пуллаб юборди.

Ёлланган уста хонадон соҳибининг пул ва буюмларини ўмариб кетди.

Қарасаки, ушбу хонадон нақ хазинанинг ўзи. Уй эгалари буни пайқаш-маяпти ҳам. Бундан қувонган эгри қўл уста май ойи бошларида бу ердан 300 минг сўмлик "дрелл", бозор баҳоси 1 миллион сўм бўлган 2 дона "Болгарка"ни, орадан бир неча кун ўтгач, ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, уй соҳибни қишки кийими чўнтагига яшириб қўйган 100 АҚШ доллари ҳамда 200 минг сўм пулни, ҳовлидаги 2 дона товуқни ўмариб кетиб, пуллаб юборди. Навбатдаги "ов"да эса меҳмонхонага "юриш" қилиб, эшикни бузиб кирди ва 1 миллион сўмлик чинни идишларни пакирга солиб чиқиб кетди.

"Узоққа кўтариб юраманми?", деган уйда бу галги "ўлжа"ни айнан шу "Бодомзор" маҳалласида яшовчи бир аёлга сув текинга — 105 минг сўмга пуллаб, жуфтаникни ростлади.

Айтиб ўтганимиздек, "Одамнинг оласи — ичида", деганда минг бора ҳақ эди ота-боболаримиз. Ҳалол, меҳнатқаш, юмушларни бажариб, ҳам менга нафи тегади, ҳам оиласи, рўзгорига ҳалол ризқ-насиба

Дамиржон УСАНОВ,
Турақўрғон туман прокуратураси терговчиси

олиб боради, деб олиб келинган устанин қўли эгри бўлиб чиқшини ким ҳам хаёлига келтирарди?!

"Бодомзор" маҳалласидаги ҳовли соҳиблари ҳам шу хаёлда эдилар. Қўл-маланиб, ўз юмушларини бажариб юрган устадан асло шубҳага боришмасди.

Нафси ҳақалак отган уста қиёфасидаги ўғри эса янгидан-янги режалар устида ишларди. Май ойи охирида экинларга "селитра" солиш ваҳидан уқасининг уйига келган Фозилжоннинг акаси қарасаки, минерал ўғитнинг бир копи йўқ. Шундан сўнг устанин хатти-ҳаракатларини зимдан кузата бошлаган уй соҳибни Азимжондан бу ҳақда сўради. "Йўғ-э, уйингизда ишлаб юриб, тузингизни тотиб, ўғирлик қиларимиди?!", дея жавоб берди у.

Аслида ҳам туз-намак тотган одамларнинг шундай қинғирликларга қўл уришига ишониш қийин эди. Аммо бу ўғирликларни устадан бошқа ҳеч ким қилиши мумкин эмасди. Ахир ҳовлига фақат у кирганди, холос. Шунинг учун Фозилжон уни қайта-қайта сўроққа тутавергач, бари ошкор бўлди.

У ўғри устанин кирдикорлари устидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат этди. Тергов ва суд жараёни барча ҳолатларга ойдинлик киритди. Хаттоки, айрим йўқолган нарсалар сотиб олган харидорлардан қайтариб олиб келинди ва эгасига топширилди. Шу тарихда туз тотган хонадонини ўмарини одат қилган инсофсиз ўғри суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

ЎҒИРЛАНГАН МУҲР

ЁРДАМИДАГИ КРЕДИТЛАР



2018 йилнинг май ойда "InFin Bank"нинг Зангиота филиали ходимлари банкдан кредит олган айрим фуқароларнинг тўлови масаласида муаммолар юзага келаётганини сезиб қолишди. Вақтни ўтказмай, уларнинг яшаш манзилига йўл олишди. Бироқ, мижозларни топшининг иложи бўлмади. Банкка тақдим этилган иш жойи ҳақидаги маълумотномага асосан МЧЖ жойлашган манзилдаги ДСИдан маълумотнома сўралди. Улардан мазкур МЧЖ узоқ вақтдан буюн фаолият юритмаётгани ҳақидаги хабарни олгачина, тақдим этилган ҳужжатлар қалбакилаштирилганини билиб, ИИБга ариза билан мурожаат қилишди.

Шундан кейин суриштирув ишлари бошланди. Маълум бўлишича, кредит олган тўрт нафар фуқароларнинг барча ҳужжатлари аслида бир одам — 1995 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Аваз Раҳматов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) томонидан банкка топширилган экан. Бу ишда унга танишлари Икром Ҳайтов, Раҳимжон Болтаев ҳамда Қозим Маматов яқиндан ёрдам беришди. Жумладан, ўтган йил февраль ойда фуқаро Ҳалимжон Тоиров гўё 2017 йилдан "Sayyora Toshkent savdo" МЧЖда новов бўлиб ишлаётгани ҳақида маълумотнома тайёрлайди. МЧЖ раҳбари ўрнига ўзи имзо қўяди, муҳр ҳамда тўртбурчак штампни босади. Шунингдек, иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳақидаги маълумотномани ҳам қойиллатади. Сўнгра, "Имтиёз техника" МЧЖ билан олди-сотди шартномаси тузиб, истеъмол кредити олиш учун ўзи тайёрлаган қалбаки ҳужжатларни "InFin Bank"нинг Зангиота филиалига тақдим этади.

Шундай қилиб, ушбу ҳужжатлар асосида банк томонидан фуқаро Ҳ.Тоиров номига кредит олиш учун 11 миллион 560 минг сўм маблағ "Имтиёз техника" МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Ўз навбатида, Аваз Раҳматов кредит маблағи эвазига олинган иккита телевизор билан икки дона микротўқинли печ ҳамда кондиционерни номаълум шахсларга сотиб юборади. Пулни ўз эҳтиёжлари учун сарфлайди.

Аллаёр ХАЙРИДИНОВ,
Зангиота туман прокуратурининг ўринбосари

Банкнинг иккинчи "мижоз"и Аваз Раҳматовнинг укаси Адҳам Раҳматов ҳисобланади. Аваз Раҳматов унга ҳам гўё 2017 йилдан "Sayyora Toshkent savdo" МЧЖда новов бўлиб ишлаётгани ҳақида маълумотнома тайёрлаб беради. Бу сафар ҳам МЧЖ раҳбари ўрнига ўзи имзо қўйиб, муҳрини ҳам босади. Барча "ҳужжат"лар тайёр бўлгач, яна эски усулда банк томонидан "Имтиёз техника" МЧЖнинг ҳисоб рақамига истеъмол кредити олиш учун 11 миллион 460 минг сўм пул ўтказиб берилди. Ушбу маблағ эвазига олинган телевизор, микротўқинли печ ва кондиционер А.Раҳматов томонидан номаълум шахсларга сотиб юборилди.

Аваз Раҳматовнинг навбатдаги "ўлжаси" фуқаро Шаҳбоз Муродов ҳисобланади. "Bilol Nice Business" МЧЖда ишлаш у ёқда турсин, хатто шу номда МЧЖ борлигини умуман эшитмаган Ш.Муродовнинг номига Аваз Раҳматовнинг "маҳорат"и билан "Ш.Муродов ҳақиқатан ҳам "Bilol Nice Business" МЧЖда оператор лавозимида ишлайди", деган маълумотнома тайёрланади. Қарабсизки, кўп ўтмай "InFin Bank"нинг Зангиота филиали томонидан "Имтиёз техника" МЧЖнинг ҳисоб рақамига истеъмол кредити олиш учун 12 миллион 700 минг сўм пул ўтказилади. Бу пуллар эвазига олинган иккита телевизор билан кондиционер номаълум шахсларга сотилиб, пули ўртада тақсимланади.

Айни ўша кезларда Аваз Раҳматовнинг шарофати билан "Prado Mobile" МЧЖнинг эшигига ҳам йўламаган фуқаро М.Каримовнинг номига мазкур МЧЖда "бош оператор" лавозимида ишлаши ҳақида маълумотнома тайёрланади. Бу гал ҳам эски усулдан фойдаланган "азаматлар" 11 миллион 910 минг сўм маблағ эвазига олинган уч дона телевизорни сотиб юборишди...

Айтмоқчи, Аваз Раҳматов МЧЖларнинг муҳр ва штампларини қаёқдан олган дегсиз? Аниқланишича, тўрттовлон Шайхонтохур туманида жойлашган "Prado Mobile" МЧЖга қарашли новов-хона эшиги очилгидан фойдаланиб, ичкарига киришди. Стол тортмасидан "Prado Mobile" МЧЖ ҳамда "Sayyora Toshkent savdo" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр ва штампларни олиб, жуфтаникни ростлашди...

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди томонидан Аваз Раҳматов, Икром Ҳайтов, Раҳимжон Болтаев ҳамда Қозим Маматов Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айбонли, деб топилди ва уларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо тайинланди.



FAOLIYATIDAN

Пинагини бузмаган тармоқдан нари

Нуркамол БОТИРОВ,
МИБ Сирдарё вилоят
бошқармаси катта инспектори

МИБ Сирдарё вилоят бошқармаси туман-шаҳар бўлими томонидан суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлаш, фойдаланилган энергия ресурслари учун қарздорликни камайтириш, истеъмол қилинган энергия ресурслари ҳамда кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларни вақтида амалга ошириш, тармоқларга ноқонуний уланishларнинг олдини олиш борасида маҳаллаларда тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тадбир жараёнида маҳалла фуқаролар йиғинларида огоҳлантиришларга қарамай қарздорликларини бартаараф қилган хонадонлар тармоқлардан узиб қўйилди. Масалан, Мирзаобод туманининг Деҳқонobod маҳалласида яшовчи М.Муродовага (исм-фамилиялар ўзгартирилган) электр энергиясидан 707 минг 250 сўм, табиий газ истеъмолидан 1 миллион сўмдан зиёдрок миқдорда қарздорлиги мавжудлиги боис талабнома берилган эди. Бироқ, хонадон эгаси берилган имкониятдан тегишли хулоса чиқармади. Беш кунлик муддатда тўловни амалга оширмагани учун тармоқдан вақтинча ажратилиб, тегишли далолатнома расмийлаштирилди.

Сирдарё туманининг "Улуғбек" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи З.Акаев электр энергиясидан бемалол фойдаланганлиги учун қарздорлиги 777 минг 750 сўмни ташкил этса-да, пинагини ҳам бузмади.

"Зангори олов"ни беминнатгина ишлатишлари оқибатида фуқаро З.Суёнова 722 минг 240 сўмлик, фуқаро Х.Болтабоева 3 миллион 903 минг сўмлик қарздорликларини бартаараф этиш ҳақида огоҳлантириш олсалар-да, парво қилишмаган. Оқибатда эса улар мажбурий равишда тармоқлардан узилди.

Қарздорликни ўз вақтида бартаараф этмаган ҳар бир фуқарога белгиланган тартибда қонуний чоралар кўрилиши тайин.

Газ корхонасидаги "ўйинлар"

Бюронинг Пастдарғом туман бўлими томонидан бир нечта фуқароларнинг 3-сонли Пастдарғом туманлараро газ участкаси ходимларининг қилмишлари юзасидан мурожаатлари ўрганилди.

Хусусан, туманлараро газ участкаси ходими М.А. табиий газдан қарзи борлигини, тўламаса тармоқдан узишни, жаримага тортишни айтиб фуқаро Б.Шукровани кўриқтади ва унинг 2 миллион 352 минг сўм пулини олиб кетади. Орадан ўн кун ўтиб, турмуш ўртоғи С.У.нинг номига расмийлаш-

тирилган тўлов патталарини беради. Лекин тўлов истеъмоличининг ҳисоб-рақамига келиб тушмайди.

Ўтказилган текширишда тўланган пуллари М.А. шахсий манфаати учун ишлатиб юборганлиги маълум бўлди. С.У.нинг қарздорлигини газ участкаси ходимлари ўзлари-

сўм қарзини газ участкаси ходими Ж.П. 300 АҚШ доллари эвазига хизмат компьютерлари орқали ҳисобдан чиқаргани аниқланди.

Бундан ташқари, газ участкаси ходимлари ўзларига бириктирилган хизмат компьютерлари орқали махсус дастурдан фойдаланиб, Мажбу-

Шоҳруҳ ТОШПЎЛАТОВ,
МИБ Самарқанд вилоят
бошқармаси катта инспектори

равишда 81 нафар истеъмолчининг 227,6 миллион сўмлик қарздорлигини олиб ташланганлиги ҳамда 124 нафар истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-варақларига қўшимча равишда 194,6 миллион сўмлик қарз асосиз киритилганлиги фош этилди.

Мазкур ҳолат юзасидан МИБ Пастдарғом туман бўлими томонидан М.А., Ж.П. ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, туман прокуратурасига юборилди.

Тадбиркорнинг ҳақи ундирилди

Акмалжон МИРЗАҚАРИМОВ,
МИБ Юнусobod туман бўлими бошлиғи

Бюронинг Юнусobod туман бўлими иш юритувида бўлган Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2018 йил 29 ноябрдаги ижро ҳужжатига кўра, қарздор "Toshshahartransxizmat" АЖдан ундирувчи "Chuqursoy avtokorxonasi" масъулияти чекланган жамияти фойдасига жами 446 миллион 926 минг 500 сўм қарз ундириш белгиланган.

Мазкур ижро ҳужжати Бюронинг Юнусobod туман бўлими иш юритувида 2018 йил 12 декабрь куни тушган бўлиб, шу кун ижро ишини юритиш тўғрисидаги қарор нусхалари томонларга юборилган. Иштиёрий муддат берилган.

Қарздорнинг АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Бош офисидаги банк ҳисоб рақамларига 2019 йил 29 январда банд солиниб, инкассо топшириқномалари берилган. Шунингдек, АЖ номига рўйхатга олинган мол-мулкларни аниқлаш мақсадига, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ, Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ДУК ҳамда бошқа ваколатли органларга сўровномалар юборилган.

Қарздор томонидан ижро ҳужжати талабларининг иштиёрий муддатда бажарилмагани сабабли, Бюронинг туман бўлими томонидан мажбурий ижро ҳаракатларига киришилди, жорий йилнинг 8 апрелида "Toshshahartransxizmat" АЖдан 446 миллион 926 минг 500 сўм пул маблағлари "Chuqursoy avtokorxonasi" МЧЖга ундириб берилди.

Мажбурий ижро бюроси томонидан тадбиркорлик субъектига қарздорлик тўлиқ ундирилишида ходимлар томонидан кўрсатилган тезкорлик, ҳолислик, шафқофлик, масъулият учун МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси раҳбарияти ва давлат ижросиси Ж.Жўраевга жамият томонидан ташаккурнома билдирилди.

ДСИ фойдасига 2 миллиард

Гулноза ДИЛМУРОВА,
МИБ Қашқадарё вилоят
бошқармаси катта инспектори

Жорий йилнинг 28 март куни Бюронинг Косон туман бўлими иш юритувида Косон туман иқтисодий судининг қарздор "Косон дон маҳсулотларини қабул қилиш" МЧЖ ҳисобидан ундирувчи Косон туман ДСИ фойдасига 2 миллиард 356 миллион 790 минг 490 сўмлик солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари келиб тушган. Ушбу ижро ҳужжатлари юзасидан бўлим давлат ижрочилари томонидан шу куннинг ўзида ижро иши кўзгатиш ҳақида қарор қабул қилиниб, қарздор ташкилотнинг банкдаги ҳисоб рақамларига инкассо топшириқномаси қўйилган.

Шу сабабли қарздор шу куннинг ўзида 252 миллион 836 минг 631 сўмлик қарзини тўлаган бўлса, 11 апрель куни қолган 2 миллиард 103 миллион 953 минг 859 сўмлик қарзи тўлиқ ундирилди.

Бундан аввал Бюронинг Китоb туман бўлими томонидан Шахрисабз туманлараро иқтисодий судининг қарздор "Китоb туман йўллардан фойдаланиш" унитар корхонаси

ҳисобидан ундирувчи Китоb туман ДСИ фойдасига жами 113 миллион 75 минг 859 сўм солиқ қарзи ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари келиб тушган эди. Ушбу ижро ҳужжатлари юзасидан қарздор ташкилотнинг банкдаги ҳисоб рақамларига 2019 йил 9 февралда банд солиш қарори ва инкассо топшириқномаси қўйилган, шунингдек, мол-мулкларни аниқлаш мақсадига сўровнома хатлари тегишли ташкилотларга юборилган.

Қарздор ижро ҳужжатлари юзасидан солиқ қарзини тўлаши тўғрисида бир неча бор огоҳлантирилганига қарамастан ўз вақтида тўламагани сабабли қарздорлик ташкилотнинг мол-мулкига қаратилди.

Олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздор ташкилотдан ижро ҳужжатларида кўрсатилган солиқ қарзлари тўлиқ ундирилди.

Газ участкаси ходими 300 доллар эвазига 5 млн. сўм қарзни ҳисобдан чиқарган.

ри ижро бюросининг туман бўлими мониторинг ва ҳисоб шўъбаси ходимларига бириктирилган парол орқали ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний

Қарздорлар ишга жойлаштирилди

Жорий йилнинг ўтган даврида алимент ундириш билан боғлиқ 1 866 та ижро ҳужжатлари ижроси таъминланди.

Ижро ҳужжатлари бўйича 380 нафар қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳамда яшаш манзиллари номаълум бўлган 30 нафар қарздорга нисбатан қидирув эълон қилиш чоралари кўрилиб, қабул қилинган қарорлар ижро этиш учун тегишли органларга юборилди.

Бундан ташқари, Бюронинг бошқарма, туман ва шаҳар бўлимилари ташаббуси билан жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, халқ қабулхоналари, ФХДБ бўлимилари, "Оила" марказлари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар иштирокида оиланинг турмуш тарзини яхшилаш мавзусида очиқ

Қамолдин ЗУЛФИЕВ,
МИБ Андижон вилоят бошқармаси
бошлиғи ўринбосари

мулоқотлар ўтказилди.

Мулоқотларда туман-шаҳарлардаги оилалардан 23 467 таси алимент тўловчи сифатида Мажбурий ижро бюроси ҳисобида туриши танқид остига олинди. Бу оилаларни яраштириш ва соғлом турмуш тарзига қайтариш, шунингдек, оиладаги ўзаро келишмовчиликлар сабабли вояга етмаганлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликларнинг олдини олиш юзасидан савол-жавоблар ўтказилди. Учрашувлар натижасида давлат ижрочилари иш юритувида бўлган ижро ҳужжатлари бўйича 542 та оила яраштирилди ва 172 нафар қарздор ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, алиментни ўз вақтида тўлашдан бўйин товлаб келаётган 34 нафар қарздорнинг жавобгарлик масаласини ҳал этиш учун ҳужжатлар маъмурий судларга юборилди ва уларга тегишли чоралар кўрилди.



Оилалар тикланмоқда

Оила муқаддас даргоҳ. Унинг бузилиб кетишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Шу маънода Мажбурий ижро бюросининг Галларол туман бўлими томонидан олиб борилган тушунтириш ва тарғибот ишлари натижасида оилалар ярашмоқда.

Эркин АЛМУРОВОВ,
МИБ Галларол
туман бўлими бошлиғи

Олиб борилаётган шундай тадбирларда 12 та оиланинг яраштирилишига эришилди. Ижро варақасига асосан қарздор Ф.Йулдошев ҳисобидан ундирувчи С.Ҳамдамовага 1 нафар фарзанди таъминоти учун 2017 йил 13 апрелдан бошлаб алимент ундириш белгиланган. Мазкур оила ҳам маҳалла фаоллари билан биргаликда олиб борилган тушунтиришлар натижасида яраштирилди.

мадларидан алимент ундириш белгиланган. Олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида жорий йил 25 январь куни оила яраштирилди.

Шунингдек, ижро варақасига асосан қарздор Ф.Йулдошев ҳисобидан ундирувчи С.Ҳамдамовага 1 нафар фарзанди таъминоти учун 2017 йил 13 апрелдан бошлаб алимент ундириш белгиланган. Мазкур оила ҳам маҳалла фаоллари билан биргаликда олиб борилган тушунтиришлар натижасида яраштирилди.

Мақсадимиз — оилаларни мустаҳкамлаш ва фарзандларнинг камоли учун ота-оналарнинг масъулиятини оширишдир.

БОСҚИНЧИЛИК – МУЛҚКА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЭНГ ХАВФЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, 53-моддада эса хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги ва мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкинлиги белгиланган.

Дарҳақиқат, ҳар қандай иқтисодий тизимнинг негизини мулк, мулк ҳуқуқи ташкил этади ва шундан келиб чиққан ҳолда унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тузилиши белгиланади. Шу нуқтага назардан мамлакатимизда сўнгги йилларда мулк эгаларининг ҳуқуқларини кафолатлаш, мулкнинг дахлсизлиги ва унинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Масалан, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Бу каби қонунларда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари татбиқ этилганлигини кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: "Биз "Адолат - қонун устуворлиги" деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муроасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор", деб таъкидлаган эди. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашида асосий вазифаларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан 2018 йилнинг биринчи ярим илгилигида амалга оширилган ишлар бўйича берилган маълумотда таъкидланишича, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида идоралараро ҳамкорлиқни кучайтириш натижасида 4 270 та оғир ва ўрта оғир жиноятлар, жумладан, 227 та қотиллик, 74 та босқинчилик, 172 та талончилик, 2 988 та ўғрилик фош этилди. Ўтказилган тадбирлар натижасида умумий жиноятчилик (38,7 фоиз), номуфта тегиш (62,7 фоиз), талончилик (58,8 фоиз), босқинчилик (58,6 фоиз), безорилик (50,1 фоиз), товламачилик (45,5 фоиз), ўғрилик (44,4 фоиз), фибрибгарлик (39,2 фоиз), қасдан баданга оғир шикаст етказиш (17,7 фоиз) ва қотиллик (17,6 фоиз) жиноятларининг кайташайиши эришилди.

Маълумотларга қараганда, терговдан тўхтатиб қўйилган жиноят ишлари ва очилмаган

жиноятларнинг сони эса камаймасдан, йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу эса икки ишлар органлари тергов ходимларининг ўшбу турдаги жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш бўйича етарли даражада малакага эга эмаслиги, далилларни аниқлаш ва тўплашга жиддий ёндашмаслиги, дастлабки тергов жараёнида тергов, тезкор-қидирув, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бошқа хизматлар билан ҳамкорлиқнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, криминалистик ва бошқа ҳисоботлардан, мутахассислар ёрдамидан ўринли фойдаланмаслигининг оқибати ҳисобланади.

Босқинчилик жиноятининг барвақт олдини олиш, унинг фош этилишини таъминлашда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш муҳим ўрин тутди. Босқинчилик мулкка қарши жиноятларнинг энг хавфлиси ҳисобланади. Бу турдаги жиноятларда мулк ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатилиши биланоқ қўлга киритилади.

Унинг белгилари қуйидагилардир: жиноий тажовуз объектларининг иккита эканлиги (мулк ва шахс), жиноий тажовуз предметининг маъмуллик (аксарият ҳолларда), объектив томоннинг мураккаблиги (қилмиш камида икки ҳаракатдан ташкил топади) ва бошқа ҳолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги "Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 4-бандида "Товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш

Фарҳод УСМОНОВ,
Бош прокуратура
Академияси тинловчиси

билан қўрқитиш мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажақда қўлга киритишга қаратилишига эътибор бериш лозим", деб белгиланган.

Босқинчилик жиноятини очиб қилмиш содир этилган ҳудудда жиноятчиларни "иссиқ издан" аниқлаш ва қўлга олишга қаратилган дастлабки тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш билан бошланади. Тезкор-қидирув тадбирлари ўзига хос хусусиятларга эга. Агар жиноятчиларнинг ҳаракат йўналишини олдиндан маълум бўлмай, кейин аниқланса, ҳодиса жойининг ён-атрофи, ҳудудини қайтадан текшириш лозим. Қайта текшириш жиноятчи ва жабрланувчига тегишли излар, предметларни аниқлаш имконини беради.

Бу турдаги жиноятларнинг терговдан тўхтатиб қўйилиши, уларнинг очилмай қолиши каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишда икки ишлар органлари тергов ходимларининг жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш бўйича малакаларини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, далилларни аниқлаш ва тўплашга жиддий ёндашиш, дастлабки тергов жараёнида тергов, тезкор-қидирув, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бошқа хизматлар билан ҳамкорлиқни тўғри йўлга қўйиш, криминалистик ва бошқа ҳисоботлардан, мутахассислар ёрдамидан ўринли фойдаланишга эътибор қаратиш мақсада мувофиқ бўлар эди.

Тўлиқ матни www.huquq.uz сайтида

Келгуси сонда

Долзарб мавзу

ИККИ ФИРИБГАР 40 НАФАР ФУҚАРОНИНГ АВТОМОБИЛЛАРИНИ "ВАРИАНТ"ГА ОЛИБ, СОТИБ ЮБОРГАН...

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAYATI:

Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Djaxangir MIRSAFAYEV
Surayyo RAHMONOVA
Baxtiyor NAZAROVA
Kamoliddin ASQAROV

TAHRIIRIYAT MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganida manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

— tijorat materiallari.

Buyurtma v-3365.
19 451 nusxada bosildi.
Oqog'uz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida taniqli va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **K.ASOAROV**
Sahifalovchi: **S.BOBJOJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonasi manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'y xatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004

ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИ РИВОЖИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий ва ҳатто сиёсий ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси гоят муҳим роль ўйнади. Мазкур кодекс кўп функцияли тизим яратувчи манба сифатида мамлакатимиз ҳуқуқий майдонида бунёдкорлик ва тартибга солиш вазифаларини амалга оширмоқда.

Шу муносабат билан оммавий маданият ва глобаллашув шароитида вужудга келадиган гайритабиий шахсий ҳуқуқлар: эвтаназия, бир жинсли никоҳлар, турли жинсий эркинликлар, гайритабиий эҳтиёжлар билан боғлиқ шахсий ҳуқуқларни эътироф этиш ва уларни амалга оширишни расмийлаштириш ҳамда уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳар хил талабларни мамлакатимиз ҳуқуқий тизимига киритишга айрим кучлар ҳаракат қилмоқда. Хусусан, Фуқаролик кодексига шахсий ҳуқуқларнинг мазмуни, уларнинг диний, ахлоқий, миллий қадриятлар билан уйғунлиги ёки уларга зид эмаслиги ва бошқа шу каби қадриятлар уларни ҳимоя қилиш шартлари сифатида белгилаб қўйилиши ҳақида ўйлаб кўриш лозим.

Фуқаролик кодексининг янги тахририни ишлаб чиқишда ҳал қилиниши лозим бўлган методология муаммолардан бири Фуқаролик кодекси — махсус қонунлар — қонуности ҳужжатлари ўртасидаги муносабатни белгилаш масаласидир. Кўп ҳолларда, бу тизим уч қатламли бўлса, баъзи ҳолатларда тўрт қатламли тизим сифатида ҳам намоён бўлади. Фуқаролик кодексига фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг барча жиҳатларини батафсил тартибга солишчи манба сифатида қаралмаслиги лозим. Биринчидан, бунинг юридик техника жиҳатидан имкони йўқ (10 мингдан ортиқ нормани қамраб олувчи Фуқаролик кодексини тасаввур қилиш мумкинми?). Иккинчидан, у доимийлик ва барқарорлик касб этолмайди.

Ривожланган мамлакатлар фуқаролик қонун ҳужжатларида шартномаларнинг янгидан-янги турлари ўз ифодасини топган. Ўшбу шартномалар бугунги кунда мамлакатимиз ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам кенг қўлланилмоқда. Жумладан, логистика хизмати, дистрибуторлик хизматлари, толлинг, консигнация битимлари, аут-

О.ОКИЛОВ,
юридик фанлар доктори, ТДЮУ профессори

сорсинг битимлари, турли хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар ва шу кабилар бунга яққол мисолдир. Олди-сотди шартномаларининг кўп турларида товарни сотиб олган харидорга нисбатан кейинчилик товар сифати ва иш ҳолатини таъминлаш бўйича юқори даражадаги сервис хизмати кафолатланади. Шундан келиб чиқиб, Конституциямизнинг 53-моддасида белгилаб қўйилган истеъмолчилар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили Фуқаролик кодексининг бутун мазмунига сингдирилиши лозим.

Фуқаролик кодексининг янги тахрирдаги лойиҳасини тайёрлашда Инвестиция, Тадбиркорлик тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари, шунингдек, Фуқаролик кодекси ва алоҳида фуқаролик қонунлари ўртасидаги нисбат ҳисобга олиниши талаб этилади. Фуқаролик кодекси барча фуқаролик муносабатларини тартибга солишчи ягона универсал манба бўла олмайди. Шу сабабли ҳам алоҳида фуқаролик қонунлари мавжуд бўлиши ва улар ҳуқуқий тартибга солишда юридик кучга, ўз юкига эга бўлиши табиийдир. Шу сабабли ҳам Фуқаролик кодекси ва алоҳида фуқаролик қонунлари бир-бирларини тақдорлашмаслиги учун Кодексда кўпроқ доктринал принциплар, тармоқларда ва кичик тармоқлараро тартибга солишчи нормалар мустақамлаб қўйилиши лозим.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Фуқаролик кодексининг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш мамлакатимизда тадбиркорлар ва мулкдорлар манфаатларига ҳар томонлама хизмат қилган ва мамлакат тараққиётини таъминлашда муҳим юридик восита вазифасини бажарган бўлар эди.

Сингапур ҳуқуқати фикр эркинлигини ҳимоя қилиш ва сохта ахборотлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида интернет фойдаланувчилари учун чеклов жорий қилади.

ТАБАРРУК АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Прокуратура органлари тизимида узок йиллар фаолият юритган прокуратура фахрийси Роза Камалова табаррук 75 ёшни қарши олмақда.

У меҳнат фаолияти давомида Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси ҳамда

Мирзо Улугбек туман прокурорининг ўринбосари лавозимларида самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Самимийлик ва фидойийлик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида хурмат қозонди. Шогирдлари уни тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашди.

Роза Камалованинг узок йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Хурматли Роза Камалова, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сихат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

33 йилдан ортиқ вақт мобайнида прокуратура органлари тизимида турли лавозимларда хизмат қилиб, қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси Арамаис Айрапетян табаррук 70 ёшни қарши олмақда.

У ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлиги, илланувчанлиги, адолатпарварлиги ва ташаббускорлиги тўғрисида барчанинг хурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Камтарлиги, фидойийлиги, самимий-



лиги ва хизмат бурчиға содиқлиги билан ҳамкасблари хурматиға сазовор бўлди.

Арамаис Айрапетянини узок йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Хурматли Арамаис Ишханович, таваллуд айёмингиз кулгў бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сихат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотир-жамлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

HUQUQ BAHORI

ДУНЁ ЮРИСТЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

2019 йил 25-27 апрель кунлари Тошкентда "Тошкент ҳуқуқ баҳори" — "Tashkent Law Spring" Халқаро юридик форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга устувор аҳамият берилётгани ва бу жараён илғор тажрибалар асосида тақомиллаштириляётгани эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида, АҚШнинг халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (USAID), БМТ Таъриқий дастури, БМТнинг Гиванд моддалар ва жинодчилик бошқармаси (UNODC), "Худудий мулоқот" халқаро ташкилоти, "Газпромбанк" АЖ ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган Халқаро юридик форумга дунёнинг 40 мамлакатидан делегат ташриф бурди.

Форумда АҚШ, Англия, Германия, Франция, Хитой, Япония сингари мамлакатлардан экспертлар ҳамда Корея, Сингапур, Россия, Саудия Арабистони, Шри-ланка, Беларусь, Озарбайжон, Афғонистон каби давлатларнинг адлия вазирлари ва вазир ўринбосарлари, қонун чиқарувчи органлари ва дунёнинг етакчи арбитраж марказлари раҳбарлари иштирок этди.

Мингдан зиёд юрстини бир жойга жамлаган уш қунлик форумда юридик соҳада Ўзбекистонда ва дунёда амалга ошириляётган ишлар, жорий этиляётган хизматлар, ушбу соҳада қўлланяляётган энг илғор тенденциялар, жорий этиляётган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари каби масалалар кенг муҳокама этилди.

Ўзбекистон адлия вазири Русланбек Давлатов, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмв ва бошқалар Ўзбекистонда жадаллик билан олиб бориляётган ислохотлар



халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этиляётганини таъкидлаб ўтди.

Харакатлар стратегияси доирасида 90 дан ортиқ қонун ва 2 мингдан зиёд Президент фармонлари ва қарорлари, ҳуқуқ қарорлари қабул қилинди. Энг яхши амалиётлар, илғор тажриба ва тақлифлар миллий ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириш имконини бермоқда.

Форум давомида "Ҳуқуқ — тезлаштирилган модернизация даврида", "Халқаро арбитраж ва суд иши", "Юридик компанияларни бошқариш: муваффақиятга қандай эришиш мумкин?", "Суд экспертизаси", "Юридик хизматлар" каби мавзуларда ўзаро фикр ва тажриба алмашилди. "Халқаро рейтинглар", "Инвестициялар: замонавий имкониятларни жалб қилиш", "Давлат ва хусусий шериклик борасидаги илғор жажон тажрибаси" каби мавзуларда мулоқотлар ташкил этилди.

Адлия вазирлиги томонидан эълон қилинган "Энг яхши корпоратив юридик хизмат" танлови ғолиблари тақдирланди. Мазкур танловда "LUKOIL Uzbekistan Operating Co" компанияси юридик хизмати биринчи ўринни эгаллаб, 10 миллион сўм пул муқофотини қўлга киритди. Форум доирасида Advice.uz ҳуқуқий ахборот портали синов тарикасида ишга туширилди.

Шунингдек, "Рақамли иқтисодиёт", "Медиацация — низоларни судсиз ҳал этиш", "Давлат хизмати", "Ҳуқуқматнинг очқилги ва шаффофлиги", "Юридик таълим", "Нотариат", "Интеллектуал мулк ҳуқуқи", "Инновацияцион лойиҳани бошқариш", "Иқтисодиётда давлат аралашувини қандайтириш", "Норматив сифат", "Ўзбекистонда фуқаролик қонунийлигини тақомиллаштириш", "Коррупцияга қарши

курашиш" каби мавзулар муҳокама қилинди.

Тадбир иштирокчиларига "Очк адлия" ("Open Justice") дастури тақдим этилди. Қайд этилишича, очқилик ва шаффофлик кўп айтиляётган тушунчалардир. Бу, энг аввало, ахборот билан боғлиқ бўлиб, мамлакатимизда бу соҳада жадал трансформация юз бераётир.

Адлия вазирлиги фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликка мунтаза ахборот бериб бориш, уларнинг ҳуқуқий маълумотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган "Очк адлия" ("Open Justice") дастурига кўра, видео ва аудио ёзувга рухсат берилди. Яъни жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари адлия органлари биналарида аудио-видео ёзиш мусоламаридан фойдаланиши мумкин. Нотариал идоралар ва давлат хизматлари марказлари ходимларининг ўз вазифаларини бажаришда йўл қўётган камчиликларни устидан интернет орқали тезкор шикоят бериш тизими яратилди. Бунда ходимнинг айби аниқланган ҳолатлар кенг ёритиб борилади ва ҳоказо.

Форум доирасида "Энг яхши адвокат" ва "Энг яхши адвокатлик тузилмаси" танловлари ғолиблари эълон қилинди. Ғолибларга эсдалик совринлари топширилди.

Нафақат юридик, балки иқтисодиёт, давлат бошқаруви ва бошқа хизматлар кўрсатиш жараёнилари билан боғлиқ мавзулардаги қизиқарли қишқилар, янгиликлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотиши билан бир қаторда ўзаро фикр-мулоҳаза, тажриба алмашиш имконини берди. Иштирокчилар форум якунида бундай самарали мулоқотларни давом эттириш, ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга келишиб олди.

ЎЗА

SPORT

Хабарингиз бор, 19-26 апрель кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бокс бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Микдор аввалгидай эмас, бироқ барибир етакчимиз

Мусобақада қитъамизнинг 34 мамлакатидан 300 нафардан зиёд чарм қўлқоп устаси совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Эркаклар ўртасидаги мусобақада 192 нафар, аёллар ўртасидаги беллашувларда эса 112 нафар спортчи иштирок этди.

Бахсларда юртимиз шарафини 19 нафар спортчи (шулардан 10 нафари эркаклар, 9 нафари аёллар) ҳимоя қилди.

Бангкок мезбонлик қилган қитъа биринчилиги вакилларимиз учун омадлик келди. Терма жамоамиз аъзолари бахсларда 4 та олтин, 1 та кумуш ва 4 та бронза медалларига сазовор бўлишди.

Олтин медаль эгалари:

Нодирбек Мирзахмедов (-49 кг)
Миразизбек Мирзахалилов (-52 кг)
Бобо-Усмон Батуров (-69 кг)
Баходир Жалолов (+91 кг)

Кумуш медаль эгаси:
Санжар Турсунов (-91 кг)

Бронза медали эгалари:

Шукржон Раҳимов (-60 кг)
Шахноза Юнусова (-69 кг)
Ёдғору Мирзаева (-57 кг)
Мафтун Мелиева (-64 кг)



Эркаклар ўртасидаги бахслар якунига кўра, йигитларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Мусобақада Ўзбекистонлик боксчилардан ташқари Қозғонистон 2 та, шунингдек, Хиндистон, Мўғулистон, Тожикистон ҳамда Жанубий Корея вакиллари биттадан олтин медални қўлга киритдилар.

Аёллар ва эркаклар ўртасидаги бахсларни қўшиб ҳисоблаганда 6 та олтин медаль қўлга киритган Хитой вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи бўлишди. Қайд этиш лозимки, ушбу 6 та медалнинг барчаси аёллар ҳиссасига тўғри келди. Умумжамоа ҳисобида кучли учликка 2 та олтин, 4 та кумуш ва 7 та бронза қўлга киритган Хиндистон вакиллари яқун ясашди.

Маълумот учун, мусобақада қатнашган 34 та мамлакатдан 16 таси Осиё чемпионатида медаллар жамғара олди. 18 та мамлакат боксчилари эса ўз юртиларига медалсиз қайтиб кетишди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қашқадарё вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси Бўри Мўминова ўли

Темура МўМИНОВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур тазия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура бошқарма прокурори Улугбек Аюевга синглиси

Сурайё АЮЕВнинг

вафот этганини муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Бош прокуратура ҳузурдаги Мажбурий ижро бюроси жамоаси ва Бюронинг Хоразм вилоят бошқармаси жамоалари Бюронинг Янгиариқ туман бўлими шўба катта инспектори

Илмажан МАШАРИПОВнинг

бевақт вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзоларига чўқур тазия изҳор этади.

Қашқадарё вилоят прокуратураси жамоаси Қашаши туман прокуратураси терговчиси лавозимида иш ўрганувчи лавозимида ишлаган

Шўҳрат АТАВУЛЛАЕВнинг

бевақт вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик изҳор қилади.